




MILLIY TIKLANISH

41 (49) 2009 йил 21 октябрь, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz
e-mail: milliy@sarkor.uz



Баркамол авлод
Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларини бажариш юзасидан жойларда бир қатор ибратли ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.


→ 6-бет



Жанубий Вазиристон: террорчиларга зарба берилмоқда

«Толибон» террорчи гуруҳлари томонидан Покистоннинг қатор шаҳарларида амалга оширилган қўрувчилик ҳаракатлари жаҳон ҳамжамияти томонидан қаттиқ қораланмоқда.

→ 7-бет



Охулар кўпаймоқда

Алишер Навоий номи Самарқанд Давлат университетининг Зоология музейида 5 мингдан зиёд экспонат бор. Улар орасида энг эътиборлиси Турон йўлбарслари бўлиб, маълумотларга кўра тўқайзорларда мавжуд бўлган бу жонворларнинг энг охириги 1954 йилда отиб ўлдирилган.

→ 8-бет

Марказий сайлов комиссиясида



Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ сиёсий партияларнинг 2009 йил декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишига доир ариза ва бошқа ҳужжатларини кўриб чиқди.

Марказий сайлов комиссияси аризалар тушиши тартибига кўра, 2009 йил 17 октябрда қабул қилинган 426- ва 427-қарорларига биноан Ўзбекистон Халқ-демократик партияси ва Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг, 2009 йил 18 октябрдаги 428- ва 429-қарорларига мувофиқ Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда қатнашишига ижозат берди. Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиши тўғрисидаги қарорини маълумот учун қабул қилди.

(ЎЗА)



→ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратолади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 4-модда

Темурийлар тарихи Давлат музейида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва қуйи палатанинг Фан, таълим маданият ва спорт масалалари

Тил – миллат руҳи

кўмитаси ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси, ҳудудий партия ташкилотлари вакиллари ҳамда талаба ёшлар ва ОАВ ходимлари иштирокида ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганининг 20 йиллиги муносабати билан «Миллий тил яшаса - миллат яшайди» мавзуида тадбир ўтказди.

Маълумки, 1989 йил 21 октябрда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинди. Бу йил ушбу санага йигирма йил тўлди. Бу тарихий ҳужжат ўзбек тилининг ҳуқуқий мақоми белгилади, тилимининг имкониятларидан кенг фойдаланишга ҳуқуқий асос бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳба-

ри Х.Дўстмухаммедов бу борада жумладан шундай деди:

- Дунёда шундай муқаддас қадриятлар борки, улар замон ва маконга бўйсунмайди. Вақт таъсирида ҳам ўз моҳияти ва аҳамиятини йўқотмайди, балки замонлар оша сайқаланиб бораверади. Дарҳақиқат, тил - умумбашарий қадрият, инсониятга ато этилган улуг ва олий неъмат. Минг йиллар давомида жаҳон халқлари маданияти хазинасидан муносиб ўрин олган ва шу билан биргаликда суронли йиллар зарбасига учраган, бироқ барибир ўз қадр-қимматини йўқотмаган тилимиз мустақиллик шарофати билан яна ифтихоримиз ва гуруримизга айланди.

(Давоми 2-бетда)

→ ЖАРАЁН

Маънавий-ахлоқий таҳдидлар

уларга қарши курашда бир мушт бўлайлик

→ АХБОРОТ БОЗОРИ

Давр шитоб билан ўзгарапти. Бугунги оламшумул ихтиро ҳеч вақт ўтмай ўрнини бундан-да ихчамроғи, бундан-да мукамалроғига бўшатиб берапти. Кечагина янги ва мукамал дейилган технология эртаси кунлик эскириб қолаётгани оддий ҳолга айланиб қолди. Мутахассислар ҳадемай барча соҳаларда нанотехнология даври бошланишини башорат қила бошлашди. Мамлакатимизда ҳатто XX асрнинг охириги йилларида ҳам янгилик саналган мобил алоқа мижозлари сони шу қадар тез кўпайдики, айти пайтда улар ўн уч миллионга яқинлашиб қолди. Мобил алоқадан бугун мамлакатимизнинг олис қишлоғидаги оддий деҳқон, чорвадор ва, ҳатто, мактаб боласи ҳам ҳеч бир муаммосиз фойдаланмоқда.

Кечагина қишлоқ мактаби учун мўъжиза саналган компьютер ёки интернет хизмати бугун оддий ҳолга айланиб қолди. Расмий маълумотларга қараганда мамлакатимизда интернет тармоғидан фойдаланувчилар 2008 йилда 122,5 фоизга кўпайган. Бугунги кунда улар сони уч миллионга етай деб қолди. Халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш тизими 2,3 баробар, миллий «uz» доменидаги веб-сайтлар 134 фоиз, электрон рақамли имзо-

дан фойдаланувчилар сони 2,8 баробар, вазирлик ва идоралар веб-сайтлари орқали курсатилаётган интерактив давлат хизматлари сони 2,8 баробарга ошди. Интернет хизматлари провайдер ва операторлари 2006 йилда 425 тага етган бўлса, бугунги кунга келиб 900 дан ошиб кетди.

Бугун марказдан олисдаги қишлоқ одамнинг ҳам дунёнинг хоҳлаган нуқтасидаги мамлакатни кўриш, у ердаги янгилик ва воқеалардан ўша заҳоти хабардор бўлиши янгилик бўлмай қолди.

Мутахассисларнинг фикрича компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларининг бундай кескин суръатда ривожланиши натижасида XV аср одамнинг мияси олтимши йилда қабул қилиши мумкин бўлган ахборот ҳажмини бугунги аср одами икки кунда қабул қилиб олапти. Дарҳақиқат, бугунги одам сон-саноксиз висталар орқали чор-атрофдан ҳеч қандай тўсиқсиз ўзи истаган ахборотни олиш имконига эга. Ахборот бугунги кунда оддий хабар ёки воқеадан мафкуравий курашнинг асосий қуролларидан бирига айланди. Халқаро ахборот бозори вужудга келди. Ахборот товар сифатида сотила бошланди.

(Давоми 4-бетда)

→ НАВОЙИХОНЛИК

Тинчлик ва эзгулик тимсоли

ёхуд дostonнинг янги талқини

«Алишер Навоий халқимизни онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизни тенгсиз намояндаси, миллатимиз гурури, шаъни шарафини дунёга тараннум этган ўлмас сўз санъаткоридир».

Ислом КАРИМОВ



(Давоми 5-бетда)

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий халқ оғзаки ижоди сарчашмаларидан файз топиб, араб ҳамда форсий тилдаги адабиётнинг илгор анъаналаридан баҳраманд бўлиб ўзбек тилидаги лирик ва эпик поэзияни янги тараққиёт босқичига кўтариб, ўзига хос мактаб яратган тенгсиз даҳо санъаткордир. У ўз асарларида чин инсоний севгини ҳамда ҳақиқий ишқни тарғиб этди, феодал ўрта аср шароитида инсонни улуглади, халқпарварлик, ватанпар-

варликни эъозлади. Жаҳолат ва розолатни, зулм-зўрлик ҳамда эл-юрт бошига кулфат келтирадиган ўзаро феодал урушлар, тож-тахт таллашиш, беҳуда қон тўкишни қаттиқ танқид қилди, давлат, тинч-тотув яшаш гоёларини ҳимоя қилди, қўллаб-қувватлади, кишиларни илм ўрганиш, касб-хунар эгаллашга, комилликка даъват этди.

→ МУАММО, ТАҲЛИЛ, ЕЧИМ

Мультфильм: Кичкинтойларнинг катта муаммоси

хориждан кириб келаётган турли мультфильмлар болалар тарбиясига қанчалик таъсир этаяпти? Ундан қандай ҳимояланиш мумкин? Миллий махсулотлар яратиш тажрибаси нималардан иборат?

«Бугунги глобаллашув шароитида биз болаларга мультфильмларни таъқиқламоқчи эмасмиз. Аксинча, хориждан кириб келатган беҳаё, турли босқинчилик руҳидаги мультфильмларнинг эквивалентини, яъни миллий қадриятларимиз, тарихимизни улугловчи мультфильмларни кўпайтириш тарафдоримиз. Бунинг учун ота-оналарнинг дунёқароши, фикрлаши кенгроқ бўлиши керак.»



(Давоми 5-бетда)

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

МУЛОҚОТ

Тил — миллат руҳи

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугун биз бу ерга ана шу санани нишонлаш, ўтган йиллар мобайнида қўлга киритилган ютуқ ва камчиликларни сарҳисоб қилиш учун йиғилган эканмиз, шуни алоҳида таъкидлашни хоҳлар эдимки, соҳада мақтанлишга арзиғулик, ибратли ишлар жуда кўп. Буни ҳатто дунё ҳамжамияти тан олмақда. Бу албатта ҳар қандай кишини гурурлантиради. Бироқ она тилимизни такомиллаштириш, уни янада ривожлантириш ҳақида ҳали қиладиган ишларимиз ҳам жуда кўп эканлигини унутмаслик керак.

Шунингдек, тadbирда Тошкент Давлат юридик институти ўзбек тили кафедраси профессори Н.Жумахўжа, Ўзбекистон Миллий китоб палатаси директори, филология фанлари номзоиди З.Исомиддинов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмити раиси А.Зиё, кўмита раиси ўринбосари А.Маматов сўзга чиқдилар. Давра суҳбатида

таъкидланганидек, ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши она тилимизнинг ривожланиши, ҳаётимизнинг турли жабҳаларига кириб боришига хизмат қилди, ўзбек тилига маънавий-маданий мерос, умуммиллий бойлик, олий қадрият сифатида қараш каби ёндошув шаклланди, тили миллий руҳ ва миллий имкониятлар асосида илмий тадқиқ этиш ҳаракати кучайди.

Ўзбек тили мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, маданий ва маърифий ҳаётида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди, деди ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси А.Турсунов. - Улуғ мутафаккир бобомиз, шеърят мулкнинг султони ҳазрат Алишер Навоийнинг "Инсонни сўз айлади жудо хайвондин" деган эътирофининг ўзида ноқ кўриниб турибдики, тил миллий тарбияси, унинг маърифатлилик, тарбиялилик, зиёли ва одоб-ахлоқлилик каби фазилатларини ҳам ифода эта оладиган улуғ қадриятдир. Она тилимиз муқаддас ва мўътабар олий неъмат, тилимизни асраб-авайлаш, унга олий



қадрият сифатида муносабатда бўлиш, фақат соҳа вакиллари, қонун ижодкорларининггина эмас, балки ҳар бир фуқаронинг ҳам бур-

чи ва вазифасидир. Давра суҳбатида шунингдек, "Давлат тили тўғрисида"ги Қонун ва унинг мазмун-моҳияти тўғри-

сида ҳам батафсил тушунчалар берилди. Сайёра ХАЙИТБОЙ қизи, "Milliy tiklanish" мухбири

ДАВРА СУҲБАТИ

Тadbирлар таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш фаолиятимиз бош мақсадига айлансин

Партиянинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини оширишда тарғибот-ташвиқот ишларининг аҳамияти катта. Партия дастурий мақсад ва гоъларини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган тарғибот ишларининг энг самарали усули эса турли йўналишларда тadbирлар ташкил қилишдир. Ҳўш, бугунги кунда ҳудудий партия ташкилотларимиз томонидан ўтказилаётган тadbирлар сифат ва сон жиҳатдан бу каби талабларга жавоб бера олятимиз? Тadbирлар ўтказишда партия фаолиятида тўпланган тажриба билан бирга камчиликлар нималарда кўринаяпти? Бир гуруҳ партия фаоллари иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбатида мазкур масалалар атрофида фикр алмашилди.

Улуғбек Мухаммадиев, ЎзМТДП МК Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари: — Партия томонидан ўтказилаётган тadbирлар таъсирчанлигини ошириш муҳокама қилиниши зарур бўлган муҳим масалалар сирасига киради. Бу борада ЎзМТДП фаолиятида муайян тажриба тўпланганлигини эътироф этиш билан бирга ҳали олдинда қилиниши зарур бўлган ҳам йўқ эмаслигини таъкидлаш зарур. Бунинг учун партиямиз, аввало, бугунги кун талабларига жавоб берадиган кенг миқёсли тadbирлар ўтказишни йўлга қўйиши зарур. Партия ўз мафкуравий ишларини, гоъясини такомиллаштириб бориши, электротар мафзаларига жавоб берадиган таъсирчан тadbирлар сони ва сифатини ошириши керак.

Бу ишни амалга оширишда, партия ўз номидан, мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда миллий гоъя, миллий гуруҳимизга айланган кадрларнинг кенг тарғиб қилиш борасида янада самаралироқ иш олиб бориши лозим. Иккинчидан, ҳалқ ва давлат ўртасида кўпrik вазифасини ўтайдиган партия тарғибот масаласига алоҳида эътибор қаратиш шарт, токи бу вазифа унинг энг муҳим ва бирлашмишига айлансин. Бунда партиямиз ўзининг дастурий вазифасидан келиб чиққан ҳолда миллий кадрларни бевосита ҳалққа етказиш, тарғиб қилиш ишларини кучайтириши талаб этилади. Қолаверса, амалга оширилган тарғибот-ташвиқот ишларининг натижаларига бағишланган қизғин давра суҳбатлари ўтказиш тadbирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Учинчидан, фақат ютуқлар эмас, балки жамиятдаги муаммолар юзасидан партия нуктаи-назарини ишлаб чиқилган қарашларини, муаммоларнинг ечимига доир партия позициясини ўзида акс эттирадиган маърузаларни турли тadbирлар воситасида фаолларга етказиш ва улар билан муҳим муаммолар ечимини юзасидан ҳамкорлик қилиш лозим. Шунингдек, бугунги кунда партияларнинг жамият тараққиётига доир ишларда сустилиги, ҳар доим ҳам жонбозлик кўрсата олмаётганлиги, бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун қилиниши лозим бўлган вазифалар юзасидан кўпроқ танқидий мулоҳазаларни билдириш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидандир. Сиёсий партия фаолиятида бири иккинчисини таъқозо этадиган икки муҳим йўналиш мавжуд. Буларнинг бири, кадрлар билан ишлаш бўлса, иккинчиси, электротар билан ишлашдир. Яъни, сиёсий партиялар томонидан ташкил этиладиган турли тadbирлар юқорида таъкидланган икки асосга таянади. Эътироф этиш керак, сўнгги ярим йил ичида ЎзМТДП фаолиятида бу йўналиш бирмунча кучайди. Аммо, бу жараён барча ҳудудий ташкилотларимизда тизимли равишда олиб борилмапти. Партиямиз эътибор

қаратиши зарур бўлган яна бир муҳим вазифа бу жамиятдаги сиёсий ижтимоийлашув жараёнидир. Бу жараёнда, яъни мавжуд шаклландган сиёсий тизимга мослашув учун зарур бўлган сиёсий қадриятлар ва нормаларни англаш ва қабул қилишда ёшлар шу жамиятга хос бўлган гоълар, сиёсий қарашлар ва ҳулқ-атворишни ўзлаштиради. Бу эса ўз-ўзидан жамиятда сиёсий маданиятни юксалтишга ва сиёсий барқарорлиқни таъминлашга олиб келади. Бунда асосий ролни сиёсий, жамоат ташкилотлари, хусусан, сиёсий партиялар ўйнайди. Демак, партиямиз тadbирларида ана шу жиҳатга катта эътибор қаратиш талаб этилади.

Икромхон Арипов, ЎзМТДП МК ИК девони раҳбари: — Партиямиз олдида фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, уларни сиёсий жараёнларга кенг жалб этиш, аҳолида ҳуқуқий маданиятни ўстириш, миллий қадриятларга ҳурмат руҳини юксалтиришдек муҳим вазифалар турибди. Бу мақсадларга эса албатта, таъсирчан тadbирлар, изчил олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари орқали эришилади. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, тadbир мазмун-моҳияти, савияси билан танланган аудиторияга мос бўлса, шунингдек мавзуси бугунги кун олдимизга қўяётган талаблар, одамларни қизиқтираётган, айна дамба ўйлантираётган муаммоларни ўзида акс эттирсинга амалда қилинган натижани беради. Шунингдек, маъруза керакки, ҳар бир тadbир, унинг аудиторияси ўнлаб ёки юзлаб иштирокчиларни ташкил этишдан қатъи назар, энг аввало, унда илгари сурилаётган мавзуга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириш лозим. Партия таърибасида мана шу талабларга жавоб берадиган ноанъанавий тadbирлар талабгина. Мисол учун, "Донлик ва ташаббускорлик-сиёсий етакчилик мезони" мавзусидаги хотин-қизлар ўртасида ўтказилган республика кўрик-танловини олайлик. Туман, шаҳар, вилоят ва республика bosқичларида муваффақиятли ташкил этилган тadbир ҳайрихоҳларимиз сонини ошириш, сафимизга иқтидорли ёшлар ва хотин-қизларни жалб этиш борасида яхши самара бергани ҳам бежиз эмас. Мазкур танлов юксак билим ва малакага эга бўлган оқила хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва сиёсий ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш, шунингдек мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда бу борада аҳоли ва партия аъзоларининг билимларини янада оширишга хизмат қилди ва хотин-қизлар орасидан қанчадан қанча истеъдодларни, етакчиларни етиштирди. Анъ-

ана тусини олган яна бир катта тadbир "Баркамол ёшлар-обод Ватан келажак"и ширин остидаги минтақавий ёшлар форуми ҳам ноанъанавийлиги билан иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ушбу форумда ташкил этилган ёш хунармандлар кўргазмалари, ижодкор йигит-қизларнинг бадиий дастурлари намойиши ва тadbир яқинида уларнинг моддий ва маънавий рағбатлантирилиши ёшларнинг интилиш ва имкониятларини, ташаббус ва салоҳиятларини партиямиз гоъясини атрофида бириктиришмоқда. Бундан кўриниб турибдики, келгуси фаолиятимизда ана шундай ноанъанавий тadbирларни сон ва сифат жиҳатдан оширишимиз талаб этилади. Ишонч билан айта оламизки, бу каби тadbирлар партия фаолиятини янада жонлантиришда ўзига хос ўрин тутаяди. Сабаби бугунги кунда узундан узок маърузабозлик ёки бўлмаса партия гоъларини одамларга зўрма-зўраки сингдириб билан кўзланган натижага эришиб бўлмастлигини яхши биламиз.

Шу ўринда асосий вазифамиз ҳисобланган партия Дастуридаги мақсад ва гоъларни аҳолининг кенг қатламига тарғибот-ташвиқот қилишда янги усул ва услублардан самарали фойдаланиш борасида кўпроқ изланишимиз лозимлигини яна таъкидлашни истардим. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида республика бўйича партия ташкилотлари томонидан 2700 дан ортққ тadbир ўтказилган бўлсада, уларнинг барчаси ҳам ташкилий жиҳати, мазмун ва савияси билан бугунги талабларга жавоб беради, деб айта олмаимиз. Айрим ҳудудий ташкилотлар номигагина тadbир ўтказиш қабилида фаолият олиб бораётганлиги албатта, ачинарли ҳол.

Шуни тўғри тушуниб етиш керакки, бугун одамларни расмиётчилик юзасидан номингагина қилинаётган тadbирларнинг узундан-узун рўйхати билан алдаб бўлмайди. Аммо, айрим партия ташкилотлари фаолиятида бу каби хато-камчиликларнинг мавжудлиги, улар баъзан шунчаки ҳисобот ёки маълумот учунгина тadbирлар ўтказиётганлигидан кўз юма олмаимиз. Айрим ҳолларда тadbирларнинг кун тартиби маърузалардан иборат бўлиб қолаяётганини партия ташкилотларининг ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндашаётгани билан изоҳлаш мумкин. Аслидачи? Энг аввало, ўтказиётган тadbиримиз самара бериши, одамларга наф келтириши учун қандай омиллардан фойдаланиш зарур, деган саволлар ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир тadbирларга масъул шахслар олдида ҳамisha қўندаланг турлиси керак эмасми?

Зухра Тажикоджаева, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Ижроия кўмитаси девони бош мутахассиси: — Сизнинг эътирозларингиз ўринли. Бундай камчиликларнинг келиб чиқишига айрим партия ташкилотлари етакчилари ўз ишига юзаки қараётганлиги сабаблиги ҳам айна ҳақиқат. Таъсирчан тadbирлар бевосита партиянинг жамиятдаги нуфузи, мавқеи ва ролини оширишга хизмат қилар экан, таҳлиллар ва билдирилган танқидий фикрлардан ўз вақтида тўғри хулоса чиқариш ютуқларга омили бўлиб хизмат қилади. Сабаби, бу каби камчиликлардан наинки ўзим фаолият юритаётган партия ташкилотини, балки бошқа айрим ҳудудий ташкилотларини ҳам холи дея олайман.

Умид Исмоилов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати: — Дастуримизда фуқароларимизда миллий ифти-

хор, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш асосий вазифалардан бири қилиб белгилаб олинган. Ҳар бир Ўзбекистон фуқароси хоҳ зиёли, хоҳ тadbиркор, хоҳ хунарманд бўлсин, энг аввало, у ватанпарвар бўлиши лозим. Шундагина ҳар биримиз мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг фаол иштирокчиси бўлишимиз, ижтимоий иқтисодий тараққиётимизга муносиб ҳисса қўли олишимиз мумкин. Бизнинг тadbирлардан кутган мақсадимиз ана шундай фаол фуқароларни қўлтиришдан иборатлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Бу эса ўз навбатида юқорида таъкидланганидек, ташвиқот ишларининг самарали ва таъсирчан усулларини излаб топишни таъқозо этади. Тажрибалар шунини кўрсатадики, кўпинча ноанъанавий тарзда ўтказилган тadbирлар қўлтирилган ортққ натижа беради. Партия Дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан фракциямиз ва ЎзМТДП МК иш режасига асосан, жойларда аҳоли билан учрашувлар ўтказамиз, тadbирларда иштирок этамиз. Айрим ҳолларда, айниқса, сайловчилар билан учрашувларимиз кўпроқ маърузабозликдан иборат бўлиб қолади. Бундай вақтда иштирокчиларда зерикish ҳолатлари юзага келиши кўпчиликка таниш манзара эканлиги сир эмас. Шунинг учун мажлислар залларида ўтказиладиган тadbирлардан кўпроқ воз кечиб, ишчи-хизматчилар, деҳқонлар, фермерлар, қишлоқ ҳўжалик соҳасидаги ходимлар билан далола, иш бошида, қурувчилар билан қурилиш объектида, талабалар билан аудиторияларда, тиббиёт ходимлари билан даволаш масканларида тadbирлар ўтказиш мақсада мувофиқдир.

Раъно Худойқолова, ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси девони етакчи мутахассиси: — Давра суҳбатида тadbирлар ташкил этишда таъкидланган фикрлар кўпроқ аҳолининг кенг қатламини қамраб олишга мўлжалланди, дейиш мумкин. Мен эса ёшларга бағишланган тadbирлар ўтказишда самарага эришиш борасида фикр билдириш ўтққчиман. Биз ёшларнинг ҳар томонлама етуқ ва келажакка бўлган ишонч ва интилишимизнинг ортққийида турли учрашувлар, семинар-тренинглр, давра суҳбатларининг ўзига хос ўрни бор. Чунки улар орқали тез ва кенг қўламадиган ахборотларга эга бўламиз. Бу борада олиб бориладиган мониторинг ишларимиз ноанъанавий усулларда ўтказилаётган тadbирлар натижасида ёшларнинг партияга бўлган қизиқиши ортганини кўрсатамоқда. Аммо, ёшлар даврасидаги тadbирларда кўпроқ бир хиллики кўзатилади. Бу эса ҳеч қачон қўзланган самарани бермайди. Интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда, юқори савиядаги тadbирларни фақатгина маълум иштирокчилар эмас, балки минглаб ёшлар орасида бир вақтингиз ўзида ташкил қилиш мумкин. Масалан, бугун ҳар бир хондонда телевизор, DVD, компьютер сингари замонавий техника воситалари бор. Интернет тизимидан ёшлар кенг фойдаланмоқда. Биз агар ўтказилган тadbирларнинг видео ролик ёки электрон шаклини тарқатма материал тарзида бошқаларга етказсак, ёшлар улардан ҳар қандай зарур вақтда кенг фойдаланишлари мумкин. Бу эса тadbирнинг самарасини янада оширади. Яна бир янгича ёндашув, тadbирларда тингловчиларни эмас, балки сўзловчиларни қўлтиришга эришишимиз керак.

Маҳфират Маҳкамова, ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" раҳбари: — Бугунги глобаллашув шароитида ёшларни турли ёт хуружлардан, ўзга маданиятларга кўр-кўрона эргашилардан ҳимоя қилишда таъсирчан тadbирлар муҳим восита саналади. Сиз айтган тақдирлар орқали ҳам самарали натижага эришиш мумкин. Бундан ташқари, партия фаоллари ёшлар билан турли маънавий-маърифий, кўнгилочар тadbирлар ўтказиш, йигит-қизлар орасидан миллатпарварлар гуруҳини шакллантириш, уларда тарғибот масалаларига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Бу ҳам партия гоъларини кенг ёйишда муҳим омил саналади.

Сўхбатни "Milliy tiklanish" мухбирлари Гулбаҳор УМУРЗОҚОВА, Дилноза ХАЙИТОВА ёзиб олди

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

Сайлов тўғрисидаги қонунларни биласизми?

- Мен жорий йилнинг 3 декабрида 18 ёшга тўламан. Сайловда овоз бера оламанми?

Шаҳноза Отабоева, Хоразм вилояти

- Ҳа. Аксарият жуда кўп мамлакатларда сайловда сайлаш ҳуқуқи 18 ёш этиб белгиланган. Сайловга оид миллий қонунчилигимиз меъёрларининг эътиборли жиҳатларидан бири шундаки, уларда сайловнинг умумэътироф этилган демократик принциплари акс этган.

Сайловга оид қонунчилигимизда умумий сайлов ҳуқуқи, яъни 18 ёшга тўлган ҳуқуқий лаёқатга эга бўлган фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқига, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига 21 ёшга тўлган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига эса 25 ёшга кирган фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқига эга эканлиги, тенг сайлов ҳуқуқи, яъни фуқароларнинг сайловларда тенглик асосида иштирок этиши ва ҳар бир сайловчи бир овозга эга бўлиши, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи, яъни депутатларнинг фуқаролар томонидан бевосита сайланиши ва ниҳоят яширин овоз бериш принциплари мустаҳкамланган.

- Миллий қонунчилигимизда "тенг сайлов ҳуқуқи" ибораси ишлатилади. Бу тенглик нимани назарда тутаяди?

Собир Хушвақтов, талаба

- Тенг сайлов ҳуқуқи мамлакатимиз сайлов қонунчилигида мустаҳкамланган ниҳоятда муҳим принципдир.

Тенг сайлов ҳуқуқи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йилда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси"нинг 21-моддасида ҳам ўз ифодасини топган.

Тенг сайлов ҳуқуқи сайловларда иштирок этувчи сайловчиларнинг ҳуқуқларини тенглик тамойили асосида ҳимоялашни, яъни ҳар бир сайловчи бир овозга эга эканлиги, барчага сайлов талаблари бир хилда жорий этилиши, ҳамма учун ҳам бир хил ҳуқуқий-ташқилий шароит яратилишида намоён бўлади. Сайланиш учун қўйилган номзодларга ҳам худди шунингдек бир хил қўлдалар қабул қилинган бўлиб, улар ҳам қонун олдида тенгдирлар. Тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда, номзодларнинг бирига тенг имконият ва шароит яратилиши кафолатланган.

Тенглик принципи номзодларга қонунда белгиланган тарзда тенг миқдорда ишончли вакилларга эга бўлиш, сайловолди тарғиботини ўтказишда ўз сайловчиларни билан учрашувлар ўтказиш ҳуқуқининг тенг кафолатлари ва имкониятларини бериш йўли билан ҳам таъминланади.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг ҳарбий қисмларда яшайдиган оила аъзолари, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари ва ваколатхоналарида ишлаётганлар, овоз бериш учун хорижий мамлакатларда, шунингдек, сиҳаттоҳ, касалхона ва бошқа стационар даволаш муассасаларида бўлган республикамиз фуқаролари ҳам тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотиинг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар, ҳеч бир шахс сайловларда бошқа шахсларга нисбатан бирон-бир ортққийи имтиёзга эга эмас.

Сайлов ҳуқуқининг тенглиги ҳар бир сайловчи овоз бериш учун фақат битта рўйхатга киритилиши, ҳамма учун шахсан овоз бериш шароити таъминлишида ҳам акс этади. Бундан ташқари номзодларнинг ҳаракат дастурларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш сайловчиларга ташвиқот-тарғибот қилиш, уларни тегишли маълумотлар билан таништиришда ҳар бир худуд аҳолисининг тили ва миллатидан қатъи назар тенг имкониятлар яратилади.

- Сайлов тўғрисидаги қонунларда сайловчилар хоҳиш-иродасини эркин ва яширин билдириши белгиланган. Ҳам эркин, ҳам яширин деганини қандай тушуниш мумкин?

Ўғиллой Ҳайитова, Жиззах вилояти

- Қонунда сайловчилар ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириш, яширин овоз бериш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланган. Мамлакатимизнинг барча ҳудудидида ташкил этиладиган участка сайлов комиссиялари овоз бериши мақсус ажратилган биноларда ташкил этидилар ва бу ерда фуқароларга ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришга шароит яратдилар. Овоз бериш яширин амалга оширилади. Фуқароларнинг овоз бериш ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини назорат қилишга йўл қўйилмайди.

Жавобларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси ва Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси Акрам ЖУМАЕВ тайёрлади.

ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

2009 йил — “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”

ЎЗМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

Қишлоқлардаги юксалишлар



Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, ЎЗМТДП вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши Қўшработ туман кенгаши билан ҳамкорликда туманинг “Мустақиллик” маҳалласида “Қишлоқ тараққиёти-юрт истиқболи” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар депутатлари, партия вилоят ва туман кенгашлари аъзолари, ҚФЙ, МФЙ фаоллари, партия “Аёллар қаноти”, “Ёшлар қаноти” раҳбарлари қатнашдилар. Тадбирни партия вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси А.Каримов олиб борди.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ислохотлар, жумладан, қишлоқлар ободлиги ва фаровонлиги йўлида қилинаётган ишларга кенг тўхталдилар. Бунда айниқса, сиёсий партияларнинг ўрни ва фаолияти қандай бўлиши кераклиги ҳақида фикрлашдилар. Тадбирда сўзга чиққан Қўшработ туман ҳокими Тўлибой Останов жумладан шундай деди: - Жорий йил Давлат дастурида белги-ланган вазифалар ижроси туманимизда ҳам ўз аксини топмоқда. 102 минг аҳоли, 216 минг гектар ер майдонига эга бўлган туманимизнинг вилоятда ўзига ҳокис иқтисодий-ижтимоий салоҳияти бор. Бу йил фермерларимиз дон етиштиришда гектаридан 20-25 центнердан ҳосил олишга эришганини,

бир сўз билан айтганда хирмонларимиз донга тўлганини қувонч билан айтиш мумкин. Бунёдкорлик соҳасида амалга оширилаётган ишлар натижасида туманимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, кун сайин чирой очиб бормоқда. Жумладан, ташкил этилган иккита қурилиш ташкилоти учун 2 гектар ер майдони ажратилганлигини, бу майдонга тендер асосида ютиб олинган лойиҳага биноан 20 та уй-жой қурилиши мўлжалланганлигини айтиш ўринли. Уларга банклардан кредит олган ёшлар эгаллик қилишди. Шунингдек, қишлоқларга кичик корхона ва саноатни олиб киришга жиддий эътибор берилмоқда. Давлатимиз томонидан тадбиркорликка кенг йўл очилган. Бундай имкониятлар самараси ўларок, “Оқтепа” қишлоғида пишиқ гишт ишлаб чиқарадиган завод яқинда иш бошлади. Бунинг учун банкдан 250 миллион сўм кредит ажратилди. Яна бир узумни қуритиб, қадоклайдиган цехнинг ишга туширилиши натижасида кўплаб ишчи ўринлари яратилди.

Кейинги йилларда туманимизда 4 та коллеж, 6 та мактаб биноси қурилиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Шу йилнинг ўзида Заркент саноат ва қишлоқ, иқтисод ва сервис коллежлари иш бошлаб, йигит-қизларга касб-хунар сирлари ўргатилмоқда. Тадбирда сўз олган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдул Тўхташев куйидаги фикрларни билдириб ўтди:

- Республикамиз аҳолисининг 50 фоиздан зиёди қишлоқларда истиқомат қилади. Улар ҳам худди шаҳар шариоитидек яшашлари учун давлатимиз томонидан барча имкониятлар яратилмоқда. Бу борада айниқса, қулай шариоитларга эга уй-жойлар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамнуният билан айтиш мумкинки, бугунги кунга келиб қишлоқ ёшлари аста-секин ана шундай қулайликларга эга бўляптилар. Берилётган ипотека кредитлари узоқ муддатли, кам фоизли бўлганлиги учун уй-жойга эга бўлишни истаган ёш оилалар мурожаати кун сайин кўпаймоқда.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан ЎЗМТДП Қўшработ туман кенгаши Иж-

роия кўмитаси раиси Нормўмин Усмонов партия туман кенгаши фаолияти ҳақида куйидагиларни гапирди:

- Йил дастурига ҳамоҳанг партиямиз йиллик иш режаси асосида бир қатор маънавий-маърифий тадбирлар ўтказдик. Ишни шу билан чеклаб, чегаралаб олишимиз нотўғри. Асосий фаолиятимиздан бири мамлакатимизда қабул қилинган қонунларимизни чекка-чекка қишлоқлар аҳолиси орасида кенг тарғиб-ташвиқ қилишдир. Тан олишимиз керакики, бу борада куч ва имкониятларимизни етарлича ишга солмаётимиз. Бунда, айниқса, партиядан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларимиз, сафимиздаги олимлар, зиёлилар салоҳиятидан унумли фойдаланишимиз зарур. Жорий йил Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Бу жараён сиёсий партиялар учун муҳим синов бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Шу боис сайловга тайёргарлик қизғин паллага кирди. Ҳозирги кунда туман кенгашларида сайлов штаби, тарғибот гуруҳлари тuzилган. Шунингдек, 7 та қишлоқ, 38 та маҳалла фуқаролар йиғинларида сайлов қонунчилиги юзасидан тадбирлар ўтказилмоқда. Мақсадимиз мазкур сайловларда муносиб иштирок этиш, вакиллик органларида кўпчилик ўринини эгаллашдир.

Баҳс-мунозаралар бир пиёла чой устида давом этди. СамДУ профессори Облоқул Қувондиқов, туман “Истиқбол сари” газетаси муҳаррири Болтабой Мамарасулов, БПТ раиси Абдусамат Мамаюсуповнинг қишлоқдаги мавжуд айрим муаммоларни бартараф этиш ҳақида билдирган фикр-мулоҳазалари иштирокчиларда қизиқиш уйғотган бўлса, шоира Хосият Бобомуродованинг Ватан, ёшлик ва муҳаббат ҳақидаги шеърлари, республикада хизмат кўрсатган артист Эркин Қайтаров ва туман маданият уйи “Нихол” дастасининг куй-қўшиқлари қалбларга ўзгача заъв улашди.

Тадбирда бир гуруҳ йигит-қизларга партия азалик гувоҳномалари топширилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтadиган сайловларга тайёргарлик кун сайин кучайиб бормоқда. Мамлакатимизнинг тарғибот ва тарғибот воситаси

Маннон ОТАБОЙ, “Milliy tiklanish” мухбири

Айни кунда ЎЗМТДП худудий ташкилотлари томонидан сайлов қонунчилигидаги ўзгариш ва қўшимчаларни чуқур ўрганиш ҳамда уни аҳоли ўртасида тушунтириш борасидаги ишларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яқинда ЎЗМТДП Бухоро вилоят кенгашида бўлиб ўтган йилги ҳам ана шу масалаларга бағишланди. Унда партиянинг Марказий Кенгаши, шаҳар, туман ташкилотлари аъзолари, “Ёшлар қаноти” ва “Аёллар қаноти” раҳбарлари, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирок этишди.

Йилги ишларни ЎЗМТДП вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Т.Усмонов очар экан, жумладан шундай деди:

Тарғибот воситаси

- Сайловга тайёргарлик борасида партия вилоят кенгаши тадбирларни изчил равишда ташкил этмоқда. Бундан ташқари партиянинг шаҳар ва туман кенгашлари Ижроия кўмиталари раислари Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази, Марказий сайлов комиссияси аъзолари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда сайловга бағишлаб ўтказилган семинар ва давра суҳбатларида фаол қатнашдилар. Бундай ўқув-семинарлари ФЖУИ билан биргаликда ҳар бир туман ва шаҳар партия ташкилотларида ҳам ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Э.Юсупов Ўз маърузасида буюк аждодларимиз меъросини тиклаш, минг йиллик аънаналар ва миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш партиянинг асосий дастурий мақсадларидан бири эканлигига тўхталди. ЎЗМТДП Дастурида белгиланган вазифалар мамлакатимизнинг миллий манфаатларига хизмат қилишини эътироф этган ҳолда, бундай олижаноб туйғуларни юртимизнинг ҳар бир фуқароси қалбига синдириш, сайловларда кўрсатаётган номзодларимиз ҳам ана шундай

юксак гоёларга содиқ ҳамда халқимиз орасида обрў-эътибор ва ҳурмат топган инсонлар бўлиши лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, депутат сайловда муносиб иштирок этиши учун электротарқатини янада кенгайтиришга эришиш, бундан ташқари маҳаллалар билан алоқани мустақамлаш зарурлиги борасида фикр билдирди.

ЎЗМТДП Мараказий Кенгаши Ижроия кўмитаси девони раҳбари И.Арипов қатнашчилар эътиборини тарғибот қуроли ҳисобланган тадбирлар таъсирчанлигини кучайтириш, аҳоли ўртасида партия нуфузини ошириш, тарафдорлари сонини кўпайтириш, ижтимоий қатлами мустақамлаш ва энг муҳими, яқинлашиб келаятган сайловларда партиямиздан кўрсатилаётган номзодларга овоз берадиган электротарқатини шакллантиришга жиддий эътибор бериш лозимлигига қаратди.

Музокараларда ЎЗМТДП Бухоро туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси З.Абдуллаев, Олот тумани кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари П.Рўзиқулов фаол иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазалари ҳамда тақдирларини билдирдилар.

Демократия кўзгуси

Махбира АБДАЛОВА, “Milliy tiklanish” мухбири

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Самарқанд вилоят ва шаҳар кенгашлари томонидан Мир Саид Барака маҳалласида “Сайловлар — демократия кўзгуси ва унда хотин-қизларнинг ўрни” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия вилоят ва шаҳар кенгашлари аъзолари ва “Аёллар қаноти” фаоллари, вилоят “Оила”илмий-амалий маркази, “Нуроний” жамғармаси, “Камолот” ЁИҲ ҳамда маҳалла вакиллари иштирок этишди.

Тадбирни ЎЗМТДП вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Абдуқаюм Каримов олиб борди. Нотиқ ўз сўзида ошкоралик, тенглик принциплари демократик сайловнинг асосий белгиларидан ҳисобланишини, мамлакатимиз сайлов қонунчилиги ва амалиётда бу принциплар ўзининг тақомилга эришганини таъкидлади. Шунингдек, сайлов тизимига киритилган ўзгаришлар, хусусан, сиёсий партиянинг ваколатли вакили мақоми ва ваколатлари, вазифаларига кенг тўхталди.

— Юртдошларимизнинг барчасини ҳам сиёсий фаол, қонунларни яхши билади ва сайловлар даврида унинг принципларига тўла амал қилади дейишимиз қийин, — деди тадбирда сўзга чиққан Мир Саид Барака МФЙ оқсоқоли Суннат Кубаев. — Айрим фуқароларимизнинг ўз ҳуқуқларини яхши билмаслигига ўтган сайловлар даврида гувоҳ бўлганимиз. Сир эмас, жамоатчилик ўртасида сиёсий партиялар томонидан тушунтириш-тарғибот ишларининг жадал олиб борилиши бу каби камчиликларни бартараф этишнинг самарали йўлидир.

Сўзга чиққан вилоят “Оила” илмий-амалий маркази раҳбари, партия вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Қамбара Аҳмедова тадбир мақсадини шундай изоҳлади: — Катта сиёсий жараёнлар олдидан турибмиз. Бу синов сиёсий партиялар учун ниҳоятда муҳимдир. Юртимиз сайлов қонунчилигига киритилган қатор ўзгаришлар мазкур тизимнинг тобора тақомиллашиб бораётганидан далолат беради. Сайловларда хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг сиёсий маданияти ва билимларини оширишга қаратилган ишлар кўламини кучайтириш олдимизда турган муҳим вазифа саналади. Партия ташкилотларимиз томонидан ана шу мақсадларга қаратилиб ўтказилаётган тадбирлар орқали аёллар орасидан хайрихоҳ ва тарафдорларимиз кўпайишига ҳам эришяпмиз. Мазкур тадбир бу йўлдаги амалий ишлардан биридир. Тадбир давомида шаҳар “Нуроний” жамғармаси раиси Т.Сафаров, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти Ж.Каримов, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Х.Бобомуродова ва бошқалар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловида тайёргарлик қилиш, унинг адолатли, эркин ва ошқора ўтишида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Айтиш керакики, бундай давра суҳбатларининг жойларда тез-тез ўтказилиши фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий маданиятини янада оширишга хизмат қилади.

ТААССУРОТ

Амалий ишлар самараси

фаолиятигизда ўз аксини топмоқда

Яқинда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Андижон вилоят кенгаши томонидан кўргазма ташкил этилди. Кўргазмада ўзбек миллий либослари, миллий чолгу асбоблари, қадимий ҳунармандчиликнинг ноёб турлари, кўҳна тарихимиздан дарак берувчи иш қуролларидан намуналар намойиш этилди.

Сардор ДАМИНОВ, ЎЗМТДП Андижон вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси девони мутахассиси

Тадбирда ёш ҳунармандлар ўзларининг қалб кўри, бор меҳрини бериб ясаган буюмлари, уларнинг тарихи, миллий либосларни тикиш жараёни ва усуллари ҳақида гапириб беришар экан, ўзбек миллий ҳунармандчилиги соҳасининг нақадар бой тарихга эга эканлигига яна бир қарра амин бўлдик. Ундан партия аъзоси Омонулло Абдусаломовнинг партия “Ёшлар қаноти” фаоллари билан ҳамкорликда тайёрлаган “Миллий гоё тарғиботи ва ёшлар тарбияси” номли кўргазмаси ҳам ўрин олиб, у орқали

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, унинг дастурий мақсадларига илгари сурилган вазифалар мамлакатимизнинг тарққий топиши, дунёда глобаллашув жараёни жадал кечаётган бир даврда муҳим аҳамият касб этишини ўзида номаён этди. О. Абдусаломовнинг миллий ҳунармандчилик соҳасини эгаллашга ёшларда ҳавас уйғотиш, бунинг учун улар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ҳақидаги фикрлари қатнашчиларнинг эътиборини тортиди.

Кўргазмада иштирок этган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари А.Тўхтабоев ва С.Маҳмудов миллий ўзгичимизнинг ажралмас қисми бўлган ҳунармандчиликнинг ўлмас аънаналарини давом эттириб келаятган ёш усталарга ўзларининг самимий тилақларини билдириб, уларга партия вилоят кенгашининг эсдалик совғаларини топширдилар. Шунингдек, кўргазмада Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган муайтай спорт тури бўйича Ўзбекистон биринчилиги мусобақасида 2 та олтин, 4 та кумуш ва 4 та бронза медалларини қўлга киритиб қайтган Ўзбекистон Муайтай Ассоциацияси Андижон вилоят бўлими терма жамоаси спортчилари ЎЗМТДП Андижон вилоят ва шаҳар кенгашларининг фахрий ёрликлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

“МТ” ЁШЛАРИ

Талабалар давраси

Яқинда Тошкент Ахборот технологиялари университети Қарши филиалида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан “Биз келажак буюк юрт фарзандларимиз” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Нилуфар ЖўРАЕВА, Шухрат ХАЙДАРОВ, ЎЗМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси девони етакчи мутахассислари

Тадбирда партия вилоят кенгаши аъзолари, депутатлар, партия туман ва шаҳар кенгашлари “Ёшлар қаноти”, “Аёллар қаноти” фаоллари, университет жамоаси, вилоят “Тадбиркор аёл” уюшмаси ҳамда ФЖУИ вилоят минтақавий ахборот-

таҳлил маркази вакиллари иштирок этдилар.

Уни ЎЗМТДП вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Ойниса Очилова кириш сўзи билан очди ва мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар, айниқса,

ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Асосий мақсад ёшларда миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизга садоқат туйғусини кучайтиришга қаратилган ислохотларнинг аҳамиятини янада кенг тушунтириш, халқимизнинг тарихий, маданий ва маънавий мероси асосида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳар томонлама кўлаб-қувватлаш, уларга яратилаётган шарт-шароитлар ва имкониятлар хусусида фикр алмашишдан иборат бўлган тадбир талабаларни ЎЗМТДПнинг ёшларга оид сиёсати билан таништиришга кенг имкон яратди. Унда сўзга чиққан ТАТУ Қарши филиали директо-

ри Одилбек Турғунов “Ёшларнинг маънавий ва маърифий билиминини ошириш” мавзусида маъруза қилди. Шунингдек, ФЖУИ вилоят МАТМ бош илмий ходими Носир Халимов, ЎЗМТДП Қарши шаҳар кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Суннатилло Омоновнинг маърузалари тадбирнинг янада баҳс-мунозарали ўтишини таъминлади.

Тест сновларидан энг юқори балл тўплаб, жорий йилда талабалик бахтига муяссар бўлган бир гуруҳ ёшлар, жумладан, Элдор Қодиров, Баҳромбек Ғойибов, Феруза Очилова, Гавҳар Мирзаева ва Салим Норқобилов партия вилоят кенгашининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.Йигилишда иқтидорли талабалардан бири бўлган Феруза Очилова мазкур ўқув даргоҳидаги партия “Ёшлар қаноти”га раҳбар этиб сайланди.

“Момогул” фольклор-этнографик ансамбли жамоасининг концерт дастури намойиши тадбирга янада кўтаринкилик бағишлади.

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ЖАРАЁН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатлар ўртасида мавжуд ахборот бозорини эгаллаш ва унга ҳукмронлик қилиш истаги кучаймоқда. Сибсатчилар бундай улкан ва мураккаб жараёни, ҳатто айтиш мумкинлик даврни "Ахборот асри", "Ахборотлар кураши", "Ахборотлар жанги" деб номлай бошлашди.

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Таёқнинг икки учи бўлганидек, инсоният азалдан ўзи кашф қилган ҳар қандай янгилик ва ихтиродан ҳам яхшилик, ҳам ёмонлик йўлида фойдаланиб келади. Компьютерлаштириш, ахборот-коммуникация технологияларининг кескин суръатда ривожланиши

дай "матох"ларни раво кўришса! Уларнинг фарзандлари ҳам шу каби салбий таъсирлар домига тушиб қолмайди деб ким кафолат бера олади? Бундан «сабоқ» олиб улгайган фарзанд эртага ким бўлади? Бугунги кунда айрим мамлакатларда фақат порнографик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва тарқатишдан йилга 30-40 миллиард АҚШ доллари миқдоридан даромад қилинмоқда. Энг дахшатлиси, уларнинг деярли ҳаммаси четга — бошқа мамлакатларга экспорт қилишга мўлжалланган. Интернетга кирсангиз айрим сайтлардаги турли беҳад суратлари видеоқиллар ва хабарлардан кўнглингиз айниди. Модомки шундай экан бугун биз ёшларимизни, болаларимизни ана шундай "восита"лардан нафақа ҳимоялашимиз, балки уларга қарши иммунитет пайдо қилишимиз — юксак даражада таъминтарбия бермоғимиз лозим бўлади.

ННТлар: хорижий ташкилотлар томонидан ажратилган грантлар асосида ҳам эркин ва қонуний фаолият юритмоқда. Гап модомики хорижий грантлар хусусида борар экан, бу ерда ҳам таёқнинг иккинчи учини эшлаш лозим бўлади. Чунки айрим мамлакатлар бошқа мамлакатларга сиёсий-иқтисодий ва маънавий таъсир ҳамда таҳдид ўтказишда "учинчи сектор", яъни ННТлардан восита сифатида фойдаланишга ётгани ҳам сир эмас. Бу айниқса, сўнгги икки-уч йил ичида дунё миқёсида янада яққолроқ намоён бўлди. Бунга Сербия, Грузия, Украина, Қирғизистонда амалга оширилган рангли инқилоблар мисол бўла олади. Энг хавфлиси ННТлар асл мақсадларидан чекиниб, тобора мафқурлаштирилмоқда, сиёсийлаштирилмоқда. Сиёсий кучларнинг қўлидаги турли манфаатларни амалга оширувчи, инсон онги ва ақли-

ган бўламан. Шу нуқтаи-назардан қараганда уят ўлимдан қаттиқ, деган гаплар халқимиз тилида ўз-ўзидан пайдо бўлмаган, аксинча бундай иборалар, эл-юртимизга мансуб эзгу ва гўзал ахлоқий қадриятларнинг асл мазмунини ифода этади.

Дарҳақиқат, уят ва ор-номусни йўқотган одам, Аҳмад Яссавий бобомиз айтганидек, худдики ҳайвон жинсига айланган қолади. Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг "олдига қўйгани емак ҳайвон иши, оғзига келгани демак — нодон иши", деган чуқур маъноли сўзлари ҳам бу фикрни тасдиқлаб беради. Ўз-ўзидан равшанки, бугунги замон воқеликка очик кўз билан, реал ва ҳушёр қарашни, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган,

АКС-САДО

Контрафакт ва фальсификат

қонунчилик асосида жиддий чоралар кўрилмоқда

Умид ИСМОИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

Бу борада Юртбошимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари" номли асари мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб тайёрланган "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси келгусида муҳим дастурий-амал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Унда муаллифлик ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, турли кўринишдаги асарлар, фонограммаларнинг контрафакт нусхаларини кўпайтиришнинг олдини олиш ва унга қарши кураш самардорлигини янада ошириш кўзда тутилган...

Бежизга мақкур мавзу ҳақида тўхтаётганимиз йўқ. Бунга газетанинг 2009 йил 9 сентябрь сонидан эълон қилинган "Контрафакт: тайёрга айёрлар" мақоласи сабаб бўлди. Мавзунинг долзарблигини эътиборга олиб, унга кенгроқ ёндашиш мақсадида бу борада қабул қилинган ва режалаштирилган қонунларнинг муаммони бартараф этишдаги ўрни, аҳамияти хусусида тўхталишни жоиз деб топдик.

Контрафакт — бу ўғирланган ва ўзиники қилиб олинган, яъни қалбакилаштирилган маҳсулотлардир. Ушбу ҳолатда нафақат қонун бузилади, балки маҳсулот сифати ҳам талаб даражасида бўлмайди. Фальсификат — бу қалбаки маҳсулотни сифатли маҳсулот баҳосида алдаб сотишдир. Шунинг учун ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш ҳуқуқига эга бўлган субъект, маҳсулот эгаси ва истеъмолчи учун катта муаммолар юзага келаётир. Аҳолининг маданияти ва маънавий-иқтисодий юксалиши, истеъмол талабининг ортиши ва уни қондиришга бўлган истаги бозор муносабатлари билан чамбарчас боғлиқ. Албатта, ҳар бир харидор ўзига зарур бўлган маҳсулотларни харид қилишда унинг нархи, сифатига эътибор қаратиши табиий. Аммо баъзи истеъмолчилар маҳсулот нархининг арзонлигига қизиқиб, унинг сифатига эътибор бермай харид қилиши оқибатида сохтафуршуларда бозори чаққон, сифатсиз маҳсулотлар тайёрлаш ва сотиш имкони туғилмоқда.

Қалбакилаштирилган, юридик тил билан айтганда, контрафакт — маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқарувчиларига, муаллифга, сотувчи ва харидорларга, энг асосийси, жамиятга зарар келтиради. Жумладан, ноқонуний тарзда тайёрланган соғалқ учун жиддий ҳавф туғдирадиган спиртли ва бошқа турдаги ичимликлар, асл ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар тамғаси остида сотувга чиқарилган кийим-кечаклар, автомобиль эҳтиёт қисмлари ва маънавиятга салбий таъсир қилувчи видео ҳамда аудио маҳсулотларнинг хавфлилик даражасини тасаввур қилиш қийин эмас. Бу эса албатта, давлатлардан ўзроқ ҳамкорлик ва қонунийлик асосида контрафакт ва фальсификат маҳсулотларнинг тарқалиши, ишлаб чиқарилишига қарши жиддий чоралар кўрилиши талаб қилади. Мамлакатимизда маҳсулотларнинг ноқонуний ишлаб чиқарувчиларга, уларни қалбакилаштириш ва сохталаштириш каби иллатларга қарши курашнинг ҳуқуқий базаси яратилган бўлиб, булар Жиноят Кодексининг "Ҳўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар" деб номланган 8-бобида, 1996 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ва жорий йилда қабул қилинган "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги Қонунларида ўз аксини топган.

"Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунда истеъмолчининг барча ҳуқуқлари баён қилиниб, уларнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши кафолатланган. Ушбу қонуннинг 4-моддасида истеъмолчининг товар, ишлаб чиқарувчи ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиши, товарни эркин танлаши, мижоз талабига жавоб бермайдиган маҳсулот, ишлаб чиқарувчининг фэйриқонуний фаолияти эвазига етказилган моддий ва маънавий зарарнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқи қонун асосида мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикасининг "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги Қонун ҳам маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш, ва бажариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш ҳақида бўлиб, унинг 4-моддасида қонуннинг асосий вазифаси инсон соғлиги, юрдики, жисмоний шахслар ва давлатнинг мол-мулки хавфсизлиги, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилана фойдаланишни таъминлаш, савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш, маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги хусусида истеъмолчиларни қалгитувчи хатти-ҳаракатларнинг олдини олишдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, контрафакт ва фальсификат маҳсулотларга қарши курашиш, шу билан бирга унинг салбий оқибатларини бартараф этиш нафақат соҳа мутахассислари, балки ҳар биримизнинг вазифамиздир. Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва мустаҳкамлаш борасида юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида ҳам юксак маънавиятга эга жамият барпо этиш масаласи ётибди. Маънан етуқ инсон ҳар бир нарсани, хоҳ у моддий маҳсулот бўлсин, хоҳ маънавий истеъмол қилишдан аввал унинг нечоғлик фойдали ёки зарарли эканлигини мулоҳаза қилади. Мамлакатимизда тегишли ташкилотлар томонидан бу каби иллатларга қарши курашда фуқароларимизнинг ҳам фаол иштирок этиши катта аҳамиятга эга. Бу орқали ҳар биримиз "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунда белгиланган ҳуқуқимиздан фойдаланган ҳолда, ўзимиз ва келажак авлодларимизнинг соғлом ва баркамол ҳаёти ва унинг хавфсизлигига муносиб ҳисса қўшар эдик.

Маънавий-ахлоқий таҳдидлар

уларга қарши курашда бир мушт бўлайлик

ўз навбатида ахборот кураши ва таҳдидини вужудга келтирди. Унинг соясида гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона шаклда миллий манфаатларга зид ўлароқ турли хавфлар ҳам пайдо бўлмоқда. Айниқса, кўплаб маънавий-ахлоқий таҳдидлар намоён бўлмоқдаки, бугунги кунда ҳар бир мустақил мамлакат ундан қандай қилиб ҳимояланиш чораларини устида жиддий бош қотирмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримов жамоатчиликни ана шундай хавф-хатарлардан "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида ўтган асрнинг 90-йилларидаёқ жиддий оғохлантирган эди. Вақт ўтиши, ахборот-коммуникация воситаларининг кўпайиши ва ривожланиши билан бундай хавф-хатар ва таҳдидларнинг ҳам шакл-шамойили, усул-усулблари, мақсад-муддаоси ўзгара бошлади. Бу айниқса, ўзлги, миллий ва руҳий қадриятларини сақлаб қолган миллат ва давлатлар учун долзарб масалага айланди. Президент Ислон Каримовнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асари жамоатчиликни, замондошларимизни "коммунистик мафқура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган гоёвий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун музлақо ёт бўлган, маънавий-ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган "оммавий маданият" ёпирилиб кириб келиши"дан, "оммавий маданият" деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва эърафонлик, индивидуализм, эгоцентризм гоёларини тарқатиш, керак бўлса шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларни неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзини маънавий негизларига бепасандлик, уларни кўпо-ришга қаратилган таҳдидлар"дан, "бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қараганда арзиманган бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайди-ган, улкан зийн етказиш мумкин"-лиги каби хавф-хатар ва таҳдидлардан яна бир боб жиддий оғохлантиради, "тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, оғох ва ҳушёр бўлиб яшаш"га даъват этади.

Ўзбекистон эркин ҳуқуқий демократик давлат қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан бормоқда. Дунёда шиддат билан кеңайган интеграциялашув ва глобаллашув жараёнларидан четда туролмайди. Шундай экан ушбу жараёнлар келтириб чиқарадиган барча яхши ва ёмон жиҳатлар бизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Шунинг учун ҳам узоқни кўра билган давлатимиз раҳбари ўтган асрнинг 90-йилларидаёқ "Фикрга қарши фикр, гоёга қарши гоё, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш" лозимлигини таъкидлаган эдилар. Тан олиш керак, кейинги пайтда бизда ҳам гарчи ҳали оммавий бўлмасда саёз ва бачкана кўшиқлар, беҳад клигллар, қўлланмалар, энгил-елип саҳна асарлари ва фильмлар пайдо бўлмоқда, уларнинг аксарият қисми четдан ҳам кириб келмоқда. Давлат Божхона қўмитасининг расмий маълумотларига қараганда ўтган 2008 йилда 450 га яқин ҳолатда салкам 1300 та беҳадлики тарғиб этувчи турли шаклдаги "маҳсулотлар", "воситалар" ушлаб қоллинган. Жорий йилнинг биринчи чорагида 142 та ана шундай ҳолат қайд этилган. Булар — ушланганлари. Энг ёмони, бундай ишлар билан, асосан, ўзимизнинг ватандошларимиз шугулланишмоқда. Наҳотки улар пулни, бойлиқни деб ўз фарзандларига ана шун-

Муқаддас манбаларда одамзот азалдан турфа ранг, турфа қиёфа, турфа тил, турфа олам шаклида яратилгани айтилади. Демак, турфалик, турли-туманлилик одамзотга хоҳ азалий хусусиятдир. Модомки шундай экан бугунги кунда "оммавий маданият"ни тарғиб қилувчилар аслида қандай йўл тутаяётганлиги, қандай гаразли мак-

ни маҳв этувчи ва ҳатто унда ҳайвоний майл ва истақларни пайдо қилувчи курулға ҳам айлантирилмоқда. Модомки шундай экан ҳар бир фуқаро, айниқса, ННТлар бундай таҳдидларга воситачилик ёки шерикчилик қилмасдан, аксинча унга қарши туришда янада фаолроқ бўлишлари талаб этилмоқда. Зеро, оғохлик ва ҳушёрлик бу-

Глобаллашув жараёнлари жаҳон миқёсида шиддат билан давом этар экан ҳеч бир мамлакат ва миллат унинг яхши ва ёмон таъсирларидан четда туролмайди. Бундай ҳол, айниқса, миллий анъана ва қадриятларини сақлаб қолган мамлакатларга жиддий хавф солиши шубҳасиз

садларни кўзлаётганлигини англаш қийин эмас.

МИЛЛИЙ ГРАНТЛАР ҲАЖМИ КЎПАЙМОҚДА

Юртбошимиз "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарида Ўзбекистон танлаган йўл ва бугунги вазият ҳақида яна бир бор тўхталиб: "Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган бир шароитда болаларимизни онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, бунни ўқима, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз замонни талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда биз юртимизда очик ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганимиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз. Бинобарин, биз давлатимиз келажакини ўз қобилигимизга ўралаб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз. Биз истиқболимизни таррақий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини, фикрлар ранг-баранглигини, ўз ҳаётимизга янада кенг-роқ жорий қилишда кўрамиз. Биз бутун маърифатли дунё, халқаро ҳамжамият билан тинч-товтув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз. Биз учун шундай йўл маъқул, унинг бошқа муқобили йўқ".

Бундай эзгу мақсад-муддаоларга эришишнинг жаҳон тажрибасида сигналдан энг асосий омилларидан бири нодавлат, нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмаларининг эркин ва қонуний фаолият олиб боришларини таъминлаш, уларга етарли шарт-шароит яратиб беришдан иборат. Расмий маълумотларга қараганда айни пайтда мамлакатимизда турли соҳа ва йўналишларда беш мингга яқин нодавлат нотижорат ташкилот (ННТ) фаолият олиб бормоқда. Уларнинг эркин ва қонуний фаолият олиб боришлари қатор қонун, фармон ва қарорлар орқали мустаҳкамланган. ННТ ва жамоат бирлашмаларини ўзаро бирлаштирадиган, муаммолари билан шугулланадиган, қўллаб-қувватлайдиган Ўзбекистон Нодавлат-нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси фаолият кўрсатмоқда. ННТларга юқори даражадаги эътиборнинг натижаси сифатида яна шунини айтиш мумкинки, Олий Мажлис ҳузурида ННТлар ва Фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузилди. Жорий йилда ННТлар фаолияти учун 4 миллиард сўмлик маблағ ажратилди. Бир сўз билан айтганда мамлакатимизда миллий грантлар ажратиш ва ундан фойдаланишнинг яхлит ва самарали тизими шаклланди. Бундан ташқари кўплаб

гунги даврнинг энг муҳим талабига айланди.

Давлатимиз раҳбари "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарида жамоатчиликни айни шундай иллатлардан оғохлантиради: "Айниқса бугунги кунда халқаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун "Эркинлик ва демократияни олға силжитиш" ниқоби остида амалга ошираётган, узокни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳиятини ва мақсадларини ўз вақтида сезиш, англаш, катта аҳамият касб этади".

ТАҚЛИДМИ ЁКИ ТААССУБУ?

Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли республика ОИТС маркази томонидан рус тилида тайёрланган рангли ва суратли "Эски эртакка би-чиган янги либос" деб номланган қўлланмани кўриб қолдик. Суратда киндиги очик ҳолатда кийинган, ёшгина Қизил қалпоқли қиз ўрмон ёқалаб бувисиникига кетаяпти. Йўлда у бўрини учратиб қолади. Бўри унга: "Кел, уқол қилиб қўяман, иккимизга ҳам яхши бўлади" дейди. Лекин Қизил қалпоқли қиз бўрининг бу тақлифига қўнмай йўлида давом этади. "Бувим менга наркотик жуда ёмон нарса деганди" деб ўйлайди. Қиз йўлида давом этиб овчини учратди. Овчи унга: "Кел, қўшиламан" дейди. Қизил қалпоқчали қиз унга жавобан: "Бувим 18 ёшга тўлмасдан туриб эркак билан қўшилиш бу ёмон ҳуқ, дегандилар" дейди. Қизил қалпоқчали қиз бувисини олди-га этиб келиб, бўри билан овчининг тақлифига рози бўлмаганини айтади. Бувиси эса: "Тўғри қилибсан, чунки гиёҳванд ўқиталарни истеъмол қилиш ва дуч келган одам билан ҳеч қандай воситасиз жинсий алоқа қилиш СПИД касаллигини юқтиради" дейди. Хўш, наркотик моддаларга қарши ёки жинсий тарбия билан боғлиқ масалани бундан-да бошқароқ, тарбиявий аҳамиятини кучайтириб, шарқона одоб-ахлоқ доирасида ифодалаш мумкин эдику. Қолаверса, бу хорижда эмас, ўзимизда тайёрланган-ку. Бувининг неварасига айтган гапидан бемалол "Агар мобода ўша пайтда ёнинг-да ҳимоя воситаси бўлса, жинсий алоқа қилаверсанг бўларди, аксинча бўлганида юқар эди" деган маънони ҳам уқим мумкин-да. Нима бу? Кўр-кўрона тақлидми ёки мана шундай маънавий таҳдидларнинг дастлабки меваларими? Шу ўринда яна "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарида мурожаат қиламиз. Унда шундай дейлади: "Бизнинг улуг аждодларимиз ўз даврида қонил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини замонавий тилда айтганда шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли, деб биламан. Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асллар, минг йиллар давомиди шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибо ва ифбат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак ўйлайманки, хато қилма-

тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли ҳуқуқ ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда".

БИР МУШТ БЎЛАЙЛИК

Глобаллашув жараёнлари жаҳон миқёсида шиддат билан давом этар экан ҳеч бир мамлакат ва миллат унинг яхши ва ёмон таъсирларидан четда туролмайди. Бундай ҳол, айниқса, миллий анъана ва қадриятларини сақлаб қолган мамлакатларга жиддий хавф солиши шубҳасиз. Лекин кўнглига бир нарса таскин беради: "оммавий маданият"ни тарғиб қилувчи воситалар қанчалик кўп бўлмасин ва у тез таъсир этмасин ёхуд бойлик орттириш воситасига айланмасин ҳар бир мамлакат ва миллатда унга қарши турган соғлом шахс ва кучлар борлиги, улар бугунги кунда нафақат ҳаракат, балки амалий ишга ҳам киришганини кузатиш мумкин. Ахлоқсизлик ва беҳадлиқнинг барча кўринишларини динлар вакиллари ҳам кескин танқид қилишмоқда. Миллий манфаатлар, анъана ва қадриятларни ҳимоя қилишда кенг жамоатчилик иштирок этмоқда, қўллаб-қувватламоқда.

Яқинда хорижий телеканалларнинг бирида маънавий нуқтаи-назардан қараганда дурустгина кўрсатув берилди. Мутахассислар, педагог ва руҳшўнослар, дин вакиллари иштирок этган бу кўрсатувда бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган қўғирчоқлар масаласига эътибор қаратилди. Иштирокчилар ярим яланғоч кийинган қўғирчоқлар ҳар бир миллатнинг келажак бўлган фарзандларига салбий таъсир ўтказиши мумкинлигини кескин қораладилар, илмий жиҳатдан исботлаб бердилар. Демак, қанчалик фарблаган бўлмасин, ҳатто европалик соғлом кучлар ҳам миллий манфаатлар, миллий анъана ва қадриятларни, сўзимиз бошида айтилган турфа оламликни сақлаб қолиш, унга қарши бўлган барча воситалардан воз келиш тарафдоридилар. Бундай ҳол, яъни миллий манфаатлар, анъана ва қадриятларни ҳимоя қилувчи соғлом кучларни бугун, ҳатто, фарб мамлакатларида ҳам кузатиш мумкин. Улар беҳадлиқнинг барча кўринишларига кескин қаршилик қилмоқдалар. Бу айниқса, шу йўналишдаги ННТ ва жамоат бирлашмалари зиммасига катта масъулият юқлайди. Табиийки, бундай жараёндан сиёсий партияларнинг ҳам четда томошабин бўлиб туриши мумкин эмас. Бугунги давр ва шароит Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясини ҳам бу борада янада фаолроқ бўлишини талаб қилмоқда. Зеро, ЎзМДП Дастурида миллий манфаатлар, миллий анъана ва қадриятлар, миллий мерос ва урф-одатларни ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш, тарғиб-ташвиқ қилиш устувор вазифа ҳисобланади. Токи сохта ва ясама тушунча саналган "оммавий маданият" унсурлари чор-атрофдан ёпирилиб келаяётган экан, унинг таъсирларидан ҳимояланиш учун ҳар бир фуқаро ҳушёрлик, фаолилик кўрсатиши лозим бўлади. Тан олиш керак, айниқса бугунги даврда унинг таъсирларидан буткул ҳимояланиш қийин кечизиш шубҳасиз. Унинг таъсирларини, ёшларимизда, айниқса ёш санъоткорларнинг туриш-туруши, ҳатто иходида ҳам кузатиш қийин эмас. Энг ёмони унинг уричиб кетишига йўл қўймаслик талаб этилади. Хурсанд бўладиган жиҳати шундаки, матбуотда унга қарши қўллаб чиқишлар қилинмоқда. Бунинг учун бизда етарли иммунитет, соғлом шахс, соғлом кучлар, қолаверса, юксак маънавиятимиз бор. Давлатимиз раҳбари айтганидек, юксак маънавият эса энгилмас кучдир.

Исмаи ХУДОЁРОВ

ТАЪЛИМ

ТИЛИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

ИСТИҚЛОЛ ОЛИМАСИ

Истиқлол туфайли қиммати минг йилликлар билан ўлчанадиган бой миллий қадриятларимиз, донишманд боболар маърифати, жанговар оталар жасорати, мунис оналар орзу-умидлари рўйбга чиқди. Хусусан, она тилимиз макъенинг тикланганлиги, унинг давлат тили мақомига эга бўлганлиги миллатнинг шаънини юксакларга кўтарди. Муҳтарам Президентимиз "Юксан маънавият — энгилмас куч" асаридида "она тили — миллатнинг руҳидир, жамики эзгу фазилятлар инсон қалбига, аввало, она алласи, унинг бетақдор жозибаси билан сингади", дея унга юқори баҳо беранлар.

Хулқар ҲАМРОЕВА

Қадим Шарқ аёллари азал-азалдан ўз жозибалари, садоқатлари ва ақл-заковатлари, хокисорлиги билан дунё ахлини хайратга солиб келганлар. Шарқона шарм-ҳаё ва беғуборлик илму урфон билан зийнатланганда мукамаллик яралар экан.

Аёллик бахти, оналик саодати ижод ва изланишнинг машаққатлари, илҳомнинг рангин лаҳзалари билан фидойилик оилага меҳр, Ватанга муҳаббат туйғулари билан ёғдулганда қомиллик тугилар экан.

Булар шунчаки фалсафий ёки баландпарвоз сўзлар эмас, балки филология фанлари доктори, профессор Раъно Сайфуллаеванинг ҳаётий ҳақиқатларидир. У мазкур ҳақиқатларга етишгунча чеккан заҳматлари, аламлари ҳақида гапиришни, эслашни эса хоҳламайди.

Чунки, олимпиада ўз илмий ва ҳаётий фаолиятида ҳақиқатнинг нафақат эгилганлиги, балки синганига ҳам бир неча марта гувоҳ бўлди, унинг оғриқларини ўз руҳи ва вужудига ҳис қилди. Ноҳақликларга дуч келганида бироз тўхта-да, лекин орта чекиммасликка, фақат олдинга интилиш учун куч топа олди. Аслида бу руҳий қувват Яратганининг инъоми, улуг боболарнинг васияти, аллома оналарининг ишончи, меҳри ва дуолари эди.

Истеъдодли олимпиада 1949 йил 3 августда Бухорийи шарифда илму маърифатни ҳаётнинг мазмуни деб билган зиёлилар оиласида таваллуд топди. Отаси Абдурауф домла асли Бухоронинг машҳур Таовис қишлоғидан, ниҳоятда ҳаққўй, ўзига ҳам, яқинларига ҳам талабчан, ҳалол инсон эдилар. Илми ҳамма нарсадан устун кўрадилар, ўзлари ҳам ўқиб, излашдан эринмасдилар. Фандаги ҳар бир янгиликни чанқоқлик билан кутиб олар, уни обдон ўрганиб, кейин татбиқ қилардилар. Домланинг ҳеч қачон ўзгармайдиган, эгилмайдиган, бировга бўйсинмайдиган ўз қондалари бўларди. Илмда ҳам худди шундай талабчан, қаттиққўл ва қатъиятли эдилар. Узоқ йиллар Қори Ниёзий номидидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот

САЛОМАТЛИК

СОҒЛОМ ФАРЗАНД — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Юртимизда фарзандларимизнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом камол топишига катта эътибор қаратилмоқда. Она-бола саломатлигини таъминлаш, оилада тиббий маданиятни шакллантириш диққат-эътиборда. Айниқса, оналар саломатлиги алоҳида назоратда. Бу бежиз эмас, албатта.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
"Milly tiklanish" мухбири

Ахир соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади. Сирдарё туманидаги Йўлдош Охунбобоев номи қишлоқда эл-юрт саломатлигини муҳофазалаш борасида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилляпти. Қишлоқ врачлик пункти томонидан аҳолининг айниқса эндигина турмуш қурган ёш оилаларнинг тиббий саводхонлигини оширишга катта эътибор қаратилляпти. Шифокорлар томонидан ҳар бир

хонадон назоратга олинган. Аҳоли ўртасида турли юқумли касалликларнинг келиб чиқиши экологик муаммолар гематология, аёллардаги камқонлик ва бошқа хасталикларнинг олдини олиш чоралари тўғрисида суҳбатлар олиб борилмоқда. Қишлоқда 4560 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улардан 1292 нафарини аёллар ташкил этади. Қишлоқ врачлик пункти улар хизматида. Бу масканда замонавий муолажа физиотерапия, лаборатория хоналари мавжуд. Соғлиғидан шикоят қилган қишлоқ аёллари кундуз кунлари бу ерда ётиб даволанадилар. Шифохона-



насини давом эттириш эди. Мактабни муваффақиятли битириб Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетининг кечки бўлимида ўқишга кирди. Кундузи ишлади. Аввал мактабда, 1970 йилдан эса Тошкент Давлат университети "Ўзбек тилшунослиги" кафедрасида лаборант бўлиб ишлади. Илмий иш билан жиддий шуғулланди. Ўқиш, ишдан сал бўшадигунча кутубхонага югурарди. 1983 йили улуг олим, профессор Я.Фулмонов бошчилигида "Хозирги ўзбек тилида содда гаплар синонимияси" мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаб, филология фанлари номзоди илмий даражасини олишга муяссар бўлганидан кейин ҳам бир неча йил лобарант бўлиб ишлайверди. Тараққиётнинг талаби шундаки инсон юксаклигини сари интилиши шарт. Қайси жамиятда шундай шахслар кўп бўлса ўшанда миллатнинг ҳам шаъни, ҳам шавкати юксакларга кўтариларди ва жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлади. Раъно опа олимлик ва одамлик шаънини ҳамма жойда, ҳар қандай вазиятда ҳимоя қила оладиган нодир хис-туйғу, кучли миллий гурурга эга. У фандаги янги таълимот - тили тизимли таҳлил қилиш, уни деолектикани умумийлик, хусусийлик, моҳият, ҳодиса қонуниятлари асосида тадқиқ қилиш орқали тил бирикмаларининг шу кунга қадар маълум бўлмаган жиҳатларини аниқлашга уринди. Раъно Рауфова 1993 йилда "Хозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг формал, функционал талқини" мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Агар истиқлолгача ўзбек тилшунослигида аёллардан бир нафар фан доктори борлигини ҳисобга олсак Раъно Рауфованинг илмдаги ютуғи аёл сифатида ҳам, олимпиада сифатида ҳам бебаҳо жазорат эди.

Улкан шахсларнинг дунёқараши, ҳаёт моҳиятини тўғри англаши унинг ўзи учун ҳам, шогирдлари учун ҳам келажак мақсад-муддаоларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Профессор Раъно Сайфуллаеванинг педагогик фаолиятига, талабалар билан ишлаш услубларига ҳам кўпчиликнинг ҳаваси келади. У докторлик ҳимоясидан кейин "Факультетлараро ўзбек

тили" кафедрасини бошқарди. 1994-2004 йилларда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида ижтимоий-гуманитар фанлар бўлими бошлиғи лавозимида ҳалол меҳнат қилди. Мустақиллик даври ўзбек илм-фани тараққиётига хизмат қиладиган бир қатор номзодлик ва докторлик диссертацияларининг ўз вақтида тасдиқланишига катта ҳисса қўшди. 2002 йилдан ЎзМУ "Ўзбек тилшунослиги" кафедрасининг мудури сифатида янги авлод ўқув қўлланмалари ва дарсликларининг яратилишига бош-қош бўлмоқда. Миллий тилшуносликнинг бешиги ҳисобланмиш ушбу табаррук даргоҳнинг салкам 90 йиллик тарихи мобайнида биринчи марта кафедранинг олимпиада бошқармоқда. Бу вазифа Раъно Рауфованинг зиммасига катта масъулият юклайди.

Истиқлол - юрт озодлиги, миллий маънавият ва тил соғлиги ҳамда эркинлиги собит интилишларнинг самараси сифатида уни идрок қилган шахсини янги зафарларга руҳлантиради. Олимпиада субстанциал тилшуносликнинг долзарб муаммоларида оид илмий-таҳлилий мақолалари хорижий мамлакатларда чоп этилган. Ҳамкасблар эътирофи, устозлар дуоси, шогирдлар эҳтироми унинг руҳиятига куч беради. Профессор Сайфуллаева 20 га яқин дарслик, монография ва ўқув қўлланма, 100 дан ортиқ илмий, илмий-услубий мақолалар муаллифи. Унинг ўрта мактабларнинг 8 ва 9-синфлари учун "Она тили" дарслиги истиқлол йилларида яратилган мукамал ўқув қўлланмаларидан бири сифатида эътироф этилди. У Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Истеъдод" жамғармаси ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи-2008" республика кўриктанловининг ғолиби. Шунингдек, олий ўқув юрти талабалари учун 2 жилдлик "Замонавий ўзбек тили" дарслигининг 1-жилди, 30 босма табоқдан иборат. "Морфология" қисми нашрдан чиқди. "Синтаксис" қисми эса чоп этилиш арасида.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, бугуннинг шижоати ва ҳур фикрли олимлари ҳам, келгуси авлодлар ҳам она тилининг равнақи, хусусан, истиқлол тилшунослиги бўлган субстанциал йўналишнинг тараққиёти, бошдан кечирган не-не синовлар, зафарли ва изтиробли онлар ҳақида фикр юритилганда, яқдиллик билан бир ҳақиқат тан олинади: уларнинг барчаси истиқлол шарофати, мустақил ўзбек давлатчилигининг келажаги билан, ушбу давлатнинг биринчи Президенти номи билан боғлиқ эканлигини даъво қиларди.

Истиқлол олимаси-филология фанлари доктори, профессор Раъно Сайфуллаеванинг педагогик фаолиятига, талабалар билан ишлаш услубларига ҳам кўпчиликнинг ҳаваси келади. У докторлик ҳимоясидан кейин "Факультетлараро ўзбек

тили" кафедрасини бошқарди. 1994-2004 йилларда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида ижтимоий-гуманитар фанлар бўлими бошлиғи лавозимида ҳалол меҳнат қилди. Мустақиллик даври ўзбек илм-фани тараққиётига хизмат қиладиган бир қатор номзодлик ва докторлик диссертацияларининг ўз вақтида тасдиқланишига катта ҳисса қўшди. 2002 йилдан ЎзМУ "Ўзбек тилшунослиги" кафедрасининг мудури сифатида янги авлод ўқув қўлланмалари ва дарсликларининг яратилишига бош-қош бўлмоқда. Миллий тилшуносликнинг бешиги ҳисобланмиш ушбу табаррук даргоҳнинг салкам 90 йиллик тарихи мобайнида биринчи марта кафедранинг олимпиада бошқармоқда. Бу вазифа Раъно Рауфованинг зиммасига катта масъулият юклайди.



МИЛЛИЙ ДАСТУР

Баркамол авлод миллат таянчи

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларини бажариш юзасидан жойларда бир қатор ибратли ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 2-сон академик лицейи бу борада алоҳида ўрин тутаяди. Чунки фикримизни мазкур ўқув даргоҳи фаолияти ҳақида бошлар эканмиз, у вилоятда энг кўзга кўринган таълим масканлари қаторидан ўрин олган.

Алишер РАҲМОНОВ,
"Milly tiklanish" мухбири

Мазкур билим даргоҳи ўтган 2008 йилда барпо этилди. Ҳозирги вақтда 810 нафар ўқувчи-ёшлар бу ерда таълим-тарбия олишаёпти ва уларга 56 нафар педагоглар янги педагогик технологиялар асосида таълим-тарбия бераёптилар.

Академик лицей ҳовлисига қадам ранжидан этсангиз, баҳри дилнингиз очилади. Бинонинг теварак атрофи гул-гулзорга айлантирилган, дид билан ўтказилган мевали ва манзарали кўчатлар ва ободончилик ишлари ҳам инсонга завқ бағишлайди. Синфхоналар талабалар билан гавжум. Таълим-

тарбия ишларида 4 та фан каллиси фаолият олиб бораёпти. Булар: аниқ фанлар кафедраси, табиий фанлар, ижтимоий-гуманитар ва хориж филологияси фанлар кафедраси ҳисобланади. Барча ўқув хоналари давлат таълим стандартлари асосида жиҳозланган. Асосий эътибор таълим самарадорлигини ошириш, талаба-ёшларни интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган. Шу сабаб бу ерда ёш ижодкорлар тўғраги ҳам ташкиллаштирилган. Кўпчилик ёш ижодкор талабаларнинг ижод намуналари даврий нашрлар ва матбуот саҳифаларида чоп этилаётгани ҳам лицейнинг қўлга киритаётган муваффақиятларидан далolat беради. Ёш ижодкор талабалардан Малика Рўзиевни "Кўнгил битиклари", Юлдуз Кўчарованинг "Орзуга етсин қалблар" номли шеърӣ тўпламларини нашрдан чиққани ўқув даргоҳининг фахрига айланади.

Лицейнинг ахборот-ресурс марказида ҳам талайгина ишлар йўлга қўйилган. Бу ердаги мавжуд 3081 дона бадий ва дарслик китоблардан ўқувчи-лар унумли фойдаланишяпти. Дарсдан кейин машғулот бўйича тўғрақлар мунтазам иш-лаб турибди. Компьютерлар ва замонавий жиҳозларга эга бўлган синфхоналар, тиббиёт хонаси, ошхона ва бошқа бир қатор қулайликлар талаба-ёшлар учун муҳайё қилинган. Тажрибали ўқитувчилардан Н.Турсунова, А.Сатторов, Ф.Шарапова, М.Бозорова ва

бошқалар Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари асосида ёш авлодга таълим-тарбия беришаёпти.

Билим масканида спортга ҳам алоҳида эътибор қаратилляпти. Барча қулайликларга эга бўлган замонавий спорт залида спортнинг бир неча тури бўйича тўғрақлар фаолият олиб бораёпти. Ёнг асосий, лицей жамоаси таълим-тарбия жараёнларини янада яхшилаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш мақсадида кўплаб ташкилот ва муассасалар билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйган.

Ёшларимизни ўз Ватанини хурмат қилиш, у билан фахрланиш, ҳар қандай шароитда миллий мустақилликни, халқнинг қадриятлари, аънаёлари ва урф-одатларини асраш ва ҳимоя қилиш руҳида тарбиялашдек улкан вазифалар биринчи навбатда туради ва ЎзМТДП партиясининг Дастурий мақсадлари ҳам шундан иборат. Шу боис лицей жамоаси ва ЎзМТДП Термиз шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси кенг ҳамкорликни йўлга қўйганлар.

Ўсиб келаётган ёшларимизни жисмонан соғлом, маънан етувчи ва баркамол қилиб тарбиялаш бу зиммамиздаги асосий вазифа ҳисобланади... Қилаётган барча савий-ҳаракатларимиз ёшларимизнинг келажаги учун қаратилган, дейди биз билан суҳбатда 2-сон Термиз академик лицей директори Худойберди Жумаев.

БИЛИМ МАСКАНИДА

Ёшлар ҳунар ўрганишяпти

бунинг учун коллежда барча шарт-шароитлар мавжуд

Нартай қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежига нафақат талабалар, ҳатто ота-оналар ҳам ўзгача иштиёқ билан ташриф буюради. Бу ерда 42 нафар малакали мутахассис ёшларга тикувчилик, ишлаб чиқариш, бухгалтерия ҳисоби, автотранспорт воситаларини ишлатиш ва техник хизмат кўрсатиш, фермер, ўсимлик-унун, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва техник хизмат кўрсатиш, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, информатика ва ахборот технологиялари, ветеринария соҳасида таълим бермоқда.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milly tiklanish" мухбири

Ёшларни мустақил фикрга эга, танлаган касбини севадиган инсон қилиб тарбиялаёмиз,- дейди коллеж директори Хусниддин Жабборов. - Таълим-тарбияда шахсий ибрат ўқитувчиларимизнинг шioriга айланган. Натижада устоз-шогирд муносабатларидаги самимийлик, талабалардаги фаоллик яққол кўзга ташланмоқда. Айниқса ота-оналар боланинг ўқишига, ижтимоий ҳаракатига қизиқиш билан қарамоқда. - Мустақил ўқишга, амалий машғулотга кўп ўрин бераёмиз,- дейди фидойи ўқитувчи Иззатилла Набиев биз билан суҳбатда. - Ёшлар миллий истиқлол ғоясини қадриятлар, удумлар орқали бевосита ўрганмоқдалар. Ўз

фикрини эркин айтаётган ижтимоий муносабатлар хусусида жонли баҳсга киришяётган шогирдларимдан фахрланаман.

Сабоҳат Шарипова, Башорат Муродова, Бекмурод Сувонов, Рабим Жиянов, Толиб Сафаров, Сайёра Пардаева, Дилбар Тошева каби муаллимлар талаба ёшларнинг иштиёқ, ўзлаштириши ҳақида ифтихор билан сўз юритдилар. Суҳбат давомида талабаларни бадий китоб ўқишга ҳавасларини кўриб қувондик. Аудиториялардаги кўргазмали қуроллар, жиҳозлар ижодий муҳитни юзга келтирган.

Коллеж ҳовлисида 2 мингтадан зиёд манзарали ва мевали дарахтлар ўсаяпти. Талабалар 500 дан ортиқ тувақларда анвойи, ноёб гулларни парварши қилаётир. Синф хоналари олий ўқув юртлириникидан қолишмайди. Талабалар компьютер, рангли телевизор, "Зингер" тивув машинасидан фойдаланишга эга, уларни асраб-авайлашни, таъмирлашни ҳам ўрганмоқдалар.

Коллежда ўқиш, ҳунар ўрганишимиз учун барча қулай шароитлар мавжуд,- дейди 1208-гуруҳ ўқувчиси Шодия Нормуродова. - Ўқитувчиларнинг меҳрибонлиги, тартиб-интизом, озодалик, амалий дарслар касб ўрганишга бўлган қизиқишимни кучайтирди. Агар иштиёқ, интилиш бўлса бу ерда бир вақтда 5-6 та касбини ўрганиш, иқтидорни тўла намойён этиш имконияти мавжуд.

Дарвоқе, коллежда жисмоний ва ахлоқий тарбияга катта эътибор берилмоқда. Спорт зали ўқувчилар билан гавжум. Машғулотлар ҳар кимнинг қобилиятига қараб ўтказилади. Коллежининг 906-гуруҳ ўқувчиси Аббос Қодиров каратэ бўйича республика чемпионилигини қўлга киритди. Йигитлар ва қизлар билан алоҳида ўтказилаётган машғулотлар, суҳбатлар уларни ҳаётга тайёрлашда муҳим роль ўйнайди.


ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Жанубий Вазиристон: террорчиларга зарба берилмоқда

“Толибон” ҳам, Афғонистон ҳам Покистондаги кўпуровчилик ҳаракатларини айнан шу ердан туриб бошқармоқда, дейишмоқда мутахассислар

Беҳбуд БОТИРОВ

“Толибон” террорчи гуруҳлари томонидан Покистоннинг қатор шаҳарларида амалга оширилган кўпуровчилик ҳаракатлари жаҳон ҳамжамияти томонидан қаттиқ қораланимоқда. Октябрь ойи бошидан буён Исломобод, Лаҳор, Пешовар, Сват ва бошқа ҳудудларда юз берган портлашлар оқибатида 200 нафардан зиёд беғуноҳ одамлар ҳалок бўлган, мамлакатдаги бир неча йирик бинолар вайрон қилинган. Ушбу хунрезликларни бундан 8 йил олдин Афғонистон ҳокимиятидан ағдарилган “Толибон” террорчи ташкилотини ўз бўйича олган. Фавқулодда юз бераётган ноҳушликлардан юраги зада бўлган одамлар, ҳатто ўз уйларида чиқмасдан яшишга мажбур бўлишмоқда. 17 октябрь кунини террорчилар “гораги” саналмиш жанубий Вазиристон бўйлаб 3 та йўналишда ҳарбий операцияларни бошлаган. Худудни алақачон 200 мишдан зиёд маҳаллий аҳоли тарқатилган мажбур бўлган.



нидан Покистон хавфсизлик кучлари бинолари олдида қатор портлашлар амалга оширилган. Мутахассисларнинг фикрича, террорчи кучларнинг бундай хатти-ҳаракатлари ягона марказдан туриб бошқарилаётганига шубҳа йўқ. Қолаверса, Покистонда содир этилган кетма-кет хунрезликлар ҳукумат назоратни қўлдан бой бераётгани ва “Толибон” кўшинлари ҳудудларда ўз таъсирини оширишга ҳаракат қилаётганидан далолат беради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, айни пайтда Покистон ҳарбийлари террорчиларга муносиб зарба бериш мақсадида жанубий Вазиристонни танлаган. Бу бежиз эмас. Бундан 8 йил олдин Афғонистонда олиб борилган кенг миқёсдаги “тозалаш” ишлари натижасида аксарият террорчилар айнан шу ерга келиб паноҳ топишганди. Шу йилнинг ёзида Покистон ҳарбийлари ҳам айнан мазкур ҳудудда террорчилар билан тўқнаш келишди. Минтақанинг катта қисми тоғли ҳудудларга тўғри келади, шу сабабдан аҳолисининг 30 фоиздан ортиғи ҳам мазмурий, ҳам сиёсий жиҳатдан федерал ҳукумат таъсиридан ташқарида қолмоқда. Аҳолисининг 60 фоиздан ортиғи қашшоқлик даражасидан паст шароитларда яшайди, ишсизлик даражаси 80 фоиздан ортиган. “Times” журналининг маълумотларига кўра, Вазиристонда аҳолининг фақатгина 5 фоизи жангариларни фаол қўллаб-қувватламоқда, қолганлар эса уларга кўмаклашиб моддий фойда кўришни кўзлайди, баъзилар эса кўрков натижасида уларнинг ҳудудда мавжуд бўлишига жим қараб турибди. Шу билан бирга, ҳудудда ўрнатилган сиёсий бошқаруving ўзига хос тизими ўндаги аҳолининг бошқарувда иштирок этишини чеклайди, уларга асо-

сий фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш, одил судловни таъминлаш имкониятини бермайди ва шу тариқа аҳоли ўртасида ҳукуматга нисбатан норозиликни келтириб чиқармоқда. Конституцияга мувофиқ Президент ушбу ҳудудни бошқаришда махсус ваколатга эга. Бевосита бошқарув махсус федерал идора — Чегара ҳудудлари ишлари вазирилик томонидан сиёсий агентлар орқали амалга оширилади. Худуддаги ижроия ва суд ҳокимияти сиёсий агентлар қўлида, аънавий бошқарув эса қабила бошлиқлари — маликлар қўлида жамланган. Юқоридагилар билан бир қаторда пуштун миллатчилиги ғоялари ҳам ҳудуддаги аҳоли томонидан “Толибон” ҳаракатини қўллаб-қувватлашга қўрқайди. Айни пайтда пуштунлар Афғонистон аҳолисининг 40 фоизини, Покистон аҳолисининг 20 фоизга яқин қисмини ташкил этади. Қолаверса, улар Исломобод саноатлашган Панжобнинг манфаатларига кўпроқ хизмат қилади, деб ҳисоблайди.

Бугунги Покистонда кечаётган нотинч вазиятда Афғонистонда ҳукм сураётган беқарорликнинг таъсири катта. Экстремистлар Покистонда ҳам фаоллашган экан, бу ҳол Афғонистон учун янада ташвишли. Ҳар икки мамлакатда юзага келган бундай вазият чегара ва миллат танламас диний экстремизм ва терроризм тинчликка таҳдид ва хавф солишига олиб келмоқда. Мутахассислар фикрича, қарийб 8 йилдан буён халқаро иттифоқдош кучлар томонидан Афғонистонда олиб борилаётган террорчиларга қарши ҳарбий операциялар аста-секин кўшни Покистонга ҳам таъсир кўрсата бошлаётгани бир жиҳатдан ўтган йиллар давомида минтақадан ва-

БИЗНИНГ ШАРҲ

зиятни ўнглаш ишларига етарлича эътибор берилмагани, яъни АҚШ ва иттифоқдош кучлар томонидан Афғонистондаги нотинч вазиятни ўнгламай туриб, Ироққа юриш қилингани минтақани “иккинчи план”га тушириб қўйди. Тўғри, бу ерда фуқаролар урушига барҳам берилиб, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмни тиклаш бўйича талай ишлар амалга оширилди, аммо булар оддий халқ учун кўнглидагидек наф берди, дейиш қийин. Буни биргина Афғонистонда 2001 йилдан буён кўпчилик етиштириш 44 баробарга кўпайганидан ҳам билиш мумкин. БМТнинг наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноatchиликнинг олдини олиш бошқармаси экспертлари маълумотларига кўра, 2007 йили Афғонистонда 8200 тонна афюн етиштирилган. Бу 2006 йилга нисбатан 34 фоиз кўп демакдир. Бугун дунёда етиштирилаётган «қора дори»нинг қарийб 87 фоизи Афғонистон хиссасига тўғри келаётди.

Ҳозир сиёсий жиҳатдан расмий Қобулда яна бир масала кўндаланг турибди — бу ерда президентлик сайловларининг иккинчи босқичи ўтказилиши мумкин. Маълумотларга кўра, мамлакатдаги сайловлар бўйича шикоятларни тафтиш қилувчи комиссия президент Ҳамид Карзай 20 августдаги сайловларда тўплаган овозларнинг 7 фоизини бекор қилиш арасида. Сайлов шикоятлари комиссиясига кўра, бунга президент Ҳамид Карзай фойдасига жуда кўп сохталаштириш ҳоллари бўлган. Ушундан амалдаги давлат раҳбари 54 фоиз овоз билан асосий рақиби Абдулла Абдуллани ортда қолдирганди. Хуллас, сайлов натижалари ҳали аниқ эмас.

Таҳлилчиларнинг фикрича, АҚШ Афғонистонда мустаҳкам ўрнашиб олган террорчиларни йўқ қилиш ўрнига мазкур мамлакатни демократик давлатга айлантиришга киришганини танқид остига олса, айримлар ҳозир террорчилар асосан Покистонда бўлса, Афғонистонда қўшинларни кўпайтириш мақсадга мувофиқ эмас, деган фикрда. Бошқалар эса бу ерда маҳаллий армия ва полицияни тайёргарликдан ўтказиб, иқтисодийни тиклашни тақдир этмоқда. АҚШ ва НАТОнинг Афғонистондаги кучлари кўмондони Стенли Маккрисстал 30 мингдан 40 минггача қўшимча аскар сўрамоқда. Барак Обама маъмурияти эса бу борада ҳали яқиний ҳулосага келмаган.


Шу йилнинг ёзида Покистон ҳарбий қўшинлари Сват водийсида террорчиларга қарши муваффақиятли операцияларни олиб борганди. Ушундан “Толибон” етакчиларидан бири Байтулла Мақсуд тўқнашуларда ҳалок бўлгани душманга руҳий таъсир кўрсатди. Бироқ орадан 2 ой ўтиб, навбатдаги ички низола ва ҳукумат қўшинлари зарбаларидан сўнг террорчилар ўз кучларини яна бирлаштирган кўринади. Лекин покистонлик ҳарбийларга ҳозир кўшни Афғонистондаги иттифоқдош кучларнинг ёрдамга келиши ҳақида хабарлар тарқатилган. Боз устига ҳозир “Толибон” ва “Ал-Қоида” террорчилик ташкилоти маҳаллий жиҳатдан жиддий инқирозни бошидан кечирмоқда. Бундай вазиятда мутахассислар тоғларда олиб борилаётган ҳарбий операцияларни имкон қадар тезроқ тугатиш керак, дейишмоқда. Эро, террорчилар учун бундай тўқнашулар қанчалик кўп бўлиши, имконият ва мадад шунчалик яхшилангани мумкин, дейишмоқда кузатувчилар.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Импортга чеклов қўйилди

Россия тўртта мамлакатдан гўшт олиб келишни таъқиқлади.

Шу йилнинг 20 октябидан бошлаб Россияга Аргентина, Бразилия, Литва ва Германиядан кириб келадиган гўшт маҳсулотларига нисбатан вақтинчалик чеклов қўйилди. Бунга гўшт маҳсулотларида таъқиқланган ва зарарли моддалар аниқлангани сабаб бўлган. Мониторинг тадқиқотлари натижаларига кўра, Бразилия, Литва ва Аргентинанинг мол гўшти, Германиянинг эса чўчка гўштли импорт таъқиқланган. Чеклов муддати номаълум.



Башорат, холос

Американинг Техас штатида жойлашган Стратфор таҳлил маркази томонидан «Келаси 100 йил» деб номланган янги китоб нашрдан чиқди, унда дунёда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида маълумотлар берилган.

Унда ёзилишича, сайёра-мизда аҳоли сони тобора кўпайиб бораётган бўлса-да, келажакда бу муаммо ўз-ўзидан йўқолади. Бу жаҳонда турғилиш суръати пасайиши билан боғлиқ.

Марказ раҳбари Жорж Фридменнинг фикрича, келгусида жиддий муаммо — бу иқлим ўзгариши бўлиб, келажакда қуёшдан тоза энергия олиш оммалашади.

— Энергияни қуёшдан олувчи мосламалар фазога ўрнатилиб, қувват кейин ерга узатилади. Буни икки йўл билан қилиш мумкин: кабел орқали ёки микротўлқин нурлини билан, — дейди у. Жорж Фридмен “башоратлар 100 фойиз аниқ бўлмаслиги мумкин, аммо бунга фақатгина 50 йилдан кейин баҳо берса бўлади, холос” дейди.



Стратегик қадам

Косова ва Македония чегаралар демократизацияни эълон қилди.

Косова ўлкаси ва Македония ўзаро чегаралар деморкацияси ҳақидаги келишувни имзолади. Россиянинг «Новости» агентлиги хабарига кўра, мазкур ҳужжат 2001 йилда Албан аҳолиси кўзгалони натижасида юз берган чегарадаги бир неча километр майдонга тегишли. Таъкидлаш керакки, бу ерга ҳалигача тахминан минг кишидан иборат АҚШ ҳарбий контингентининг тинчликпарвар кучлари назорат олиб боради. Имзоланган ҳужжат Скопье ва Приштина ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш имконини беради.



Доллар, евро ва юан

АҚШ доллари қадрини йўқотиб бормоқда.

Жаҳон банки президенти Роберт Зеллиннинг айтишича, молиявий инқироз АҚШ долларининг жаҳон валютаси сифатидаги ролига зарба берди. Доллар мавқеига катта путур етмаган бўлса-да, евро ва Хитой юани уни сиқиб чиқаришга ҳаракат қилипти.

Таъкидлаш лозимки, айни пайтда евро Европа Иттифоқига аъзо 16 мамлакатда асосий пул бирлиги ҳисобланади. Хитой эса ўз акциялар бозорига хорижий компанияларни қўйиб, жаҳон молия бозорига етакчи ўринга чиқмоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, глобал молиявий-иқтисодий инқироз пайтида марказий банклар ишни тўғри йўлга қўя олмаган. Шу жиҳатдан АҚШ молия тизими устидан назоратни молия вазириликка топшириши лозим, дейди Зеллик.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

РАНГИН ДУНЁ

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, “Milliy tiklanish” муҳбири


Кейинги йилларда муҳим муаммолардан бири — глобал исииш жараёни ҳақида кўп гапирилмоқда. Деярли ҳар кунини оммавий ахборот воситаларида, экологлар, сиёсатчилар, журналистлар мазкур муаммо, унинг ечими борасида баҳс-мунозаралар олиб бормоқдалар. Мутахассисларнинг айтишича, сайёра-миз атмосферасида ҳарорат 1-1,5 даражага кўтарилган. Олимлар иқлимнинг ўзгаришига инсон омили сабаб бўлмоқда, деб бонг уришмоқда.

Тадқиқотлар ҳулосасига кўра, ҳақиқатан ўтган 200 йил давомида бевосита инсон фаолияти туфайли атмосферада углерод гази миқдори ниҳоятда кўпайган. Айрим олимлар, айнан ана шу углерод ва метан гази иқлимнинг ўзгаришига сабаб бўлаётган дейишмоқда. Маълумотларга қараганда, атмосферага инсон омили туфайли йилга 22 миллион тонна углерод гази тарқалади. Шунга қарамаддан, (гарчи рақамлар ниҳоятда ваҳимали бўлса-да) айрим олимлар ер ҳароратининг исиишига бу асосий сабаб бўлмайди, деган фикрчи илгарчи суришмоқда. Хуллас, бу борада ҳам олимлар ягона тўхтама қарашларни қўйиш керак.

Дарҳақиқат шундаймикан? Яқинда Россиянинг “1” каналда “Бир ёлгоннинг тарихи ёхуд глобал исииш” номли ҳужжатли фильм намойиш қилинди. Унда сайёра-миз иқлимнинг ўзгаришида инсониятнинг ҳеч қандай таъсири йўқ, деган назария илгарчи сурилган. Шунингдек, унда айрим сиёсатчилар глобал исииш жараёнини ниқоб қилган ҳолда ўз манфаатларини кўзлагани ҳолда автотеломбилсозлик ва, умуман, ёқилги истеъмол қиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган йирик компанияларга таътиқ ўтказиётганлиги ҳақида ҳам гап борди. Фильмни кўрган телетомошабинларнинг аксарияти ўн йиллар давомида

Глобал исииш

унга инсон фаолиятининг алоқаси йўқ...ми?



одамлар оғзидан тушмаётган муаммо наҳотки ёлгон бўлса, деган хабарга боришга бўлса ажабмас. Аслида, бу ҳужжатли фильм глобал исииш жараёни ҳақидаги тушунчани умуман ўзгаришиз юборди, деб айтолмаймиш. Негаки, бу ҳам бир тахмин, бутун дунё олимларининг илмий изланишлар борасидаги баҳс-мунозарасидир. Келинг, яхшиси ушбу фильмдаги айрим фикрларни таҳлил қилдик.

“Аслида глобал исииш жараёни на бир сиёсатга ёки бирон бир динга алоқаси йўқ, у — мен бир умр шугулланган келаятган метеорология билан боғлиқдир”, — дейди Американинг The Weather канали асосчиси Джон

Колеман. — Мен кўп илмий мақолалар билан танишим, олимлар билан суҳбатлашдим ва фикри оживимча, сайёра-миз иқлими ўзгаришида инсон фаолиятининг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Айни пайтда бир нарса дейиш қийин, буни албатта вақт кўрсатади. Шунингдек, сайёра-миз иқлими бундан аввал ҳам доимо ўзгариб келганини инобатга олиш керак. Инсон табиатга таъсир кўрсата олмайди. Инсон ҳоҳ таъсир этсин ёки йўқ — ер шари иқлими мудом ўзгариб боради. Бунинг эса тарихга назар ташлаб аниқлаш мумкин: глобал исииш даври музлик даври билан алмашиниб турган.

Дарҳақиқат, нафақат Джон

Колеман, балки кўплаб мутахассислар ҳам ўз илмий ишлари давомида бундай мисолларни келтиришган. Масалан, кичик музлик даврини олайлик: XVII асрда Англияда қишда Темза дарёси музлаган (кейинги бир неча юз йилликда бу дарё музлагани йўқ). Москва шаҳрида эса июль ойида қор ёққан. XX аср музлик даври ва глобал исииш тушунчаси ҳақида ҳамда қадимги цивилизация, қадимги иқлим қандайлиги борасида бир қанча янгиликларни олиб келди. Айнан шу асрнинг 70-йилларида олимлар янги музлик даври бошланади, дея хавотирга тушибди. Ҳа, бунга асос ҳам бўлган. Чунки, XX асрнинг бош-

ларида ҳаво ҳарорати жуда совиб кетган. 1924 йили Европада мандарин, апельсин дарахтларини совуқ урган. Яна беш йилдан сўнг Туркия ва Саудия Арабистонида қор ёққан, Жанубий Крим қирғоғида эса ҳарорат -25 даража, 1949 йили Эронда ҳамаси бир метрлик қор ёққан. Собик Иттифоқ давридаги Фанлар академияси олимлари келажакда янада совуқ ҳаво келиши, яъни музлик даври бошланиши эҳтимоли бор, деб хавотирга тушибди. Бироқ, табиат шунчалар сир-асрорга бойки, аста-секин музлик даври глобал исииш жараёнига йўл бўша-тиб берди.

Алабама университети про-

фессори Рой Спенсер ҳамда Виннипега университетининг иқлимшунос профессори Тим Болл ҳам ушбу ҳужжатли фильмда ўз қараш ва тушунчаларини баён этишган: “Тарихдан маълумки, XII-XIII асрларда сайёра-мизда глобал исииш даври бўлган. Ҳатто, айрим ерларда ҳаво ҳарорати +50С, +60С даражага кўтарилган. Бироқ, ушундан инсоният атмосферага ҳозиргидек таъсир кўрсатмаган. Лекин шундай бўлса-да глобал исииш жараёни бўлган, буни инкор этолмаймиш. Шунинг учун келажакда катта сув тошқини бўлади ёки шунга ўхшаш башоратлардан ваҳимага тушишга асос йўқ. Бу вақтинчалик ҳолат. Айни пайтда сайёра-мизда юз бераётган ўзгаришлар табиий ҳолдир”.

Хусусан, ушбу ҳужжатли фильм иждоқорлари инсон омили туфайли глобал исииш жараёни бўлмоқда, деган назария ўз исботини топмади, инсониятни келажакда рўй берishi мумкин бўлган фалокатлардан қўрқувга солиш фақат айрим сиёсатчиларгагина кўл келди холос, дейишмоқда. Олимларнинг тахминича, ҳозирги глобал исииш даврида атмосфера ҳарорати ниҳоятда секин, кичик даражада кўтарилмоқда, шунинг учун яқин 200 йил ичида глобал исииш инсониятга ҳеч қандай хавф туғдирмайди.

КЎЗГУ

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида ўзликни англаш, ўтмишни билиш, маданий бойликларни асраш, азиз қадамжоларни обод, ёдгорликларни таъмирлаш, аждодлардан мерос қолган урф-одат, маросим ва удуларни қайта тиклаш борасида талай ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Ўнг оёқми, чап оёқ?

Олтинсойда миллий ўйинлар тикланаяпти

Туман ҳокимлиги, халқ таълими ҳамда "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлими, маҳалла аъзолари Юртбошимизнинг 1998 йил 28 октябрдаги "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга солиш ҳақида"ги Фармони ижросини амалга ошириб, тўй-ҳашамларни ортқча дабдабасиз, исрофгарчиликсиз, тинч, чиройли ўтишини таъминлашмоқда. Шунинг билан бирга байрам-тантаналар, тўй ва йиғинларда бобокалонларимиздан мерос қолган қадимий миллий спорт ўйинлари - "Кураш", "Кўпқари", болалар ўйинлари - "Чиллик", "Зувуллатар", "Кетга тепар", "Бобола такам" ва бошқа бир қанча маросим ва удуларни тиклаб барчани мамнун, аждодларимиз руҳини шод, этишмоқда.

Халқимиз маънавиятига синган қадриятлардан бири "Ўнг оёқми, чап оёқ?" удуидир. Бу удум омади қулмаган, фарзанд-талаб, ҳуллас, орзу-ҳавас ҳамда нияти амалга ошиш-ошмаслигини билиш учун ўтказилади.

Наврўз сайли ёки тўйда кайвони онахоналардан бири қафти устига ҳоланасида чақалоқни тик тургазиб қутаради. Айтилик Ойсанам боланинг хўжайини Нормуродбой тез орада тракторини сошлаб, аҳолининг шахсий томорқаларини шудгорлаб, меҳнати эвазига топган пулга чорва моллари харид қилиб, оғил ва кўрасини тўлдирдимиз ёки йўқ? Холамиз ана шунини билмоқчи бўлади.

- Момоси Бўбажоним мени ниятимни билиб берсин?,- дейди холамиз. Лекин уни ниятини ўздан бошқа ҳеч ким билмайди. Истақнинг ижобатини ўнг оёқ белгилайди. Чап оёқ эса...

- Эй пошикиста! Боложоним ўнг оёқчасини кўтариб, орзуларинг амалга ошиб, ишларинг ўнглаиб кетса, аввало боложонимга, сўнгра менга қандай совға берасан?,- дейди кайвони момо.

Ойсанам холамиз ҳам омондек рўмолининг бир учига тугиб қўйган пулларини тутамлаб туриб: - Момо жоним сиз эмас, Бўбажон сўраганини бераман,- дейди. Йиғилганлар бу гапдан қийраб қолган. Бойси чақалоқ гапиролмайди-да.

- Илоҳим ҳаммаша юртимиз тинч, Юртбошимиз омон, халқимиз фаровон яшаб, уларимиз бугдоёга тўлсин,-дея кайвони онахон "Ўнг оёқми, чап оёқ?" удуини бошлаб юборади. У болани бола тилида эркалаб, суйиб, алқаб, унга Ойсанам холасидан қимматбахо совғалар олиб беришини ваъдалар қилиб, қафти устида тик турган чақалоққа "Ўнг оёқми, чап оёқ?" деяверади. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг чақалоқ бир пайт ўнг оёгини кўтариб турибди-да. Энди Ойсанам холанинг ҳам суюнчиси ўзгача. Азбаройи суюнганидан суюнтирадиган совғалар беради...

Олтинсойликлар аждодларимизнинг қадимги мифологик тасаввур, ҳаёт тарзи билан боғлиқ "Ер исқатар" удуини ҳам қайта тиклаб, оммага тортиқ қилишмоқда. Бунда ер баробар чизик шаклида ярим метрлар чамаси чуқурлик қазилиб, ўртада қолган ер қисмидан халқа-тўйиқ очилади ва ундан чақалоқлар ҳамда ёш болаларни ўтказиб олинади. Бу удуимнинг маъноси Аллоҳ Одам атанинг, яъни одамзотнинг ердан-тупроқдан яратганига бир ишора десак, иккинчидан, токи инсон ўз ашёси-киндик қони тўкилган она заминни унутмасин, юрт ва ер иси вужудидан доим аниқиб турсин. Ўз Ватани, халқига содиқ, фидойи инсон бўлсин. Яна бир маъноси сен тупроқдан яралгансан, бир кунни ошингни ошаб, ёшингни яшаб яна шу тупроққа қайтасан, деганидир...

Халқимизнинг бундай урф-одат, маросим-удумлари нафақат байрам ва тўй-ҳашамларни безамоқда, балки аҳолига завқ улашиб, катта маънавий озуқа ҳам бермоқда.

Абди ПАРДАЕВ

МУҲОҒАЗА

Оҳулар кўпаймоқда



Бугунги кунда республикада 697 хил ҳайвон яшайди.

Алишер Навоий номли Самарқанд Давлат университети Зоология музейида 5 мингдан зиёд экспонат бор. Улар орасида энг эътиборлиси Турон йўлбарслари бўлиб, маълумотларга кўра тўқайзорларда мавжуд бўлган бу жонворларнинг энг охириги 1954 йилда отиб ўлдирилган.

Пардабой ТОҶИБОВ, "Milliy tiklanish" муҳбири

Инсониятнинг табиатга нисбатан шафқатсиз муносабати — нафс балоси тўғрисида тўқайзорларнинг ҳуқумдорлари Амударё соҳиллари, Орол денгизи бўйлари беэзаб юрган турон йўлбарслари табиатимиздан тур сифатида йўқолиб кетди. Шунга ҳам 45 йил бўлибди. Бугун улар мазкур музейда қотирилган ҳолатда шиша кўзаларни йилтиратиб қараб турибди. Бунинг моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак, бу музейларнинг бойлиги эмас, табиатга бўлган муносабатнинг фожеасидир.

- Худога шукр ҳамма табиат жонворларининг бошига бундай қулфат тушгани йўқ,-дейди университетнинг Зоология кафедраси мудири, олим Абдухамид Жабборов. - Лекин "Қизил китоб"га киритилган парранда-ю даррандалар тури йил сайин ошиб бораёпти. Маълумотларга кўра 1983 йилда Республика "Қизил китоб"га кирган ҳайвонлар тури 63 тани ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб уларнинг сони 106 га етди. Утган 23 йилда умуртқали ҳайвонларнинг 43 та тури

"Қизил китоб"га киритилди. Музейда ер юзида ноёб бўлган Нерпани ҳам кўриш мумкин. Орол денгизиде юз берган фалокатлар тўғрисида бу жонворлар ҳам табиатимиздан тур сифатида йўқолиб кетди. Музей раҳбари Баҳодир Мухаммадиев бизга қор йўлбарсилвири кўрсатди. Бу ҳайвон ҳам инсон қадами етмайдиган жойларда саноқли қолганини афсус билан гапирди.

Мана булар эса табиатимиз-...



КЎРГАЗМА

"Туркистон римейки" мавзусидаги лойиҳа асосида ташкил этилган ушбу кўргазмадан ўрин олган юздан ортиқ асар "Туркистон альбому" номли машҳур фундаментал нашр сифатида яратилди. Унда дёримизнинг XIX аср охири — XX аср аввалига оид тарихи, табиат манзаралари, шаҳарсозлик маданияти, меъморчилиги, одамлари юртимиз ва хорижий мусаввирлар томонидан бадиий ифодаланган.

Миллий фотосуратлар

Ўзбекистон тасвирий санъат галериясида V Тошкент халқаро замонавий санъат Биеннаlesi доирасида кўргазма ташкил этилди

Лойиҳа қайсидир маънода ҳозирги авлод онгиде узилган "вақт илми"ни тиклашни мақсад қилган,- дейди Тасвирий санъат галерияси ходими Саодат Рўзиева. - Кўргазмада Туркистоннинг XIX-XX аср бошларидаги тарихдан сўзловчи фотосуратлар жой олган. Юртимиз фотосуратлари томонидан маҳорат билан ишланган меъморчилик, қандақорлик ва графика асарларининг суратлари барчанинг қизиқишини уйғотмоқда.

Лойиҳа устида ишлаш учун рағбатташвир, инсталляция, графика, фотография каби турли услуб ва техникаларда ишлайдиган мамлакатимизнинг етук rassomlari тақлиф этилган. Улар орасида ёш мусаввирлар А.Икромжонов, Б.Исмоилов, Т.Аҳмедов, З.Шарипова, Ф.Ахмадалиев каби истеъдод соҳиблари ҳам иштирок этипти.

Рассом асарларининг намойиши

Ранг-баранг маданий-маърифий тадбирлар, кўргазмалар, тақдимот маросимлари, анжуманларни ўзида жамлаган Art Wek Style.uz – 2009 санъат ҳафталиги жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Миллий санъат марказида ҳафталик доирасида тадбирлардан бири - Ўзбекистон халқ rassomi Акмал Нурнинг ижодий кўргазмаси очилди. Акмал Нурнинг бетакрор ва сермазун ижоди нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам яхши таниш. Рассом асарлари миллий руҳи, ўзбекона жозибаси, томошабинни чуқур мушоҳадага чорлаши билан бирга замонавий санъат аъналарига уйғунлиги билан ҳам эътиборни ўзига тартади. Буни rassomнинг кўргазмада намойиш этилган "Севги қиссаси", "Сарчашмали бола", "Интизор кўнгли", "Чиннигул", "Уч келин", "Маросим", "Енар тоғ" сингари асарларида кўриш мумкин.

Мамлакатимизда миллий аъна ва қадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш, маданият ва санъатни янада раванқ топтириш, ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида салмоқли ишлар амалга ошириляпти. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан татбиқ этила-

ётган миллий маданиятимиз ва санъатимиз ривожига ҳисса қўшиб келаётган ижодкорларнинг фаолиятини юртимиз ва хорижий давлатларда тарғиб этишга қаратилган лойиҳалар, кўргазмалар, фестиваллар шулар жумласидандир.

-Яратилаётган имкониятлар ижодкорга фақат илҳом бағишлайди,- дейди Ўзбекистон халқ rassomi, академик Алишер Мирзаев. - Акмал Нурнинг ижодига назар ташлайдиган бўлсак, rassom ҳаёт гўзалликларини хис этиб, уни бошқаларга ҳам улашаётир. Асарлардаги ёрқинлик, Ватанга садоқат, табиатни севиш ва ардоқлаш хисси ҳеч қайси томошабинни бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Бир сўз билан айтганда, rassomнинг ижодий изланишларида Шарқ ва Ғарб аъналарининг уйғунлашуви, миллий ўзига хослиқни кузатиш мумкин.

Шунингдек, кўргазма доирасида rassomнинг 346 та ижодий иш намуналари жамланган альбомининг тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

"Туркистон-пресс"

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси партия билетларини тайёрлаш ва партия сайловолди Платформасини (рисола шаклида) чоп этиш бўйича тендер эълон қилади.

Мурожаат учун телефонлар: 234-69-55, 239-45-77, 244-14-98.

ЎГИТ

Дўстки нодўст бўлди, кўнгил бойлама,
Қоч нари, сўзлашма, суҳбат айлама.

Бахти қулган барча инсонлар билур,
Кйбр — Иблис, ишқ — Одамдин келур.

Жалолiddин РўМНЙ

БИЛАСИЗМИ?

Байкал кўлига 336 дарё оқиб тушади, бироқ ундан биргина Ангара дарёси оқиб ўтади.

Фрейзер ороли(Австралия)нинг катта қисми кумликлардан иборат бўлгани учун ҳам дунёдаги энг улкан кумлик ҳисобланади. Оролдаги кумликлар салкам 120 километрга чўзилган.

Филиппин архипелагидан 7107 та орол ўрин олган.

Европадаги фақат бешта давлат бошқа битта мамлакат билан чегарадош — Португалия, Дания, Сан-Марино, Ватикан ва Монако.

ТУРФА ОЛАМ

Дунёдаги энг катта...

Огайолик ўқитувчи Кристи Харп дунёдаги энг катта қовоқни ўстирди.

ОАВнинг хабар беришича, у оғирлиги салкам 782 кг. келадиган қовоқни ўстириб, World Pumpkin Commonwealth ташкилоти ўтказган "Дунёдаги энг катта қовоқ" конкурсида биринчиликни қўлга киритган ва 2500 АҚШ доллари билан мукофотланган. Кристи Харп ва унинг турмуш ўртоғи саккиз йилдан буён гигант қовоқларни ўстириш билан шуғулланишади. Кристининг фикрича, яхши ҳосил олиш учун энг олий навли уруғни танлаш лозим. Дарвоқе, ана шундай қовоқ уруғи аукциони 28-29 ноябрда Огайодаги "Гигант қовоқ ҳаваскорлари" клубида бўлиб ўтаркан.



Апофис-99942

ҲАҚИДА ЯНГИЛИК

Халқаро астрономлар гуруҳининг хабар беришича, 2036 йилда Апофис-99942нинг Ерга яқин келиши тахминий яна ҳам камайган.

Олимлар ўз тадқиқотларида асосан Гавай оролларидаги телескоплардан олинган маълумотлардан фойдаланишган. Тадқиқотчиларнинг фикрига қараганда, Апофиснинг троекторияси аввалгига нисбатан бирмунча ўзгарган. Мутахассисларнинг тўлиқ ҳулосалари яқинда бўлиб ўтадиган "Америкалик астрономлар жамияти"нинг съездида эълон қилинаркан. Айни пайтда олимлар кузатувни давом эттириб, яна бир нечта лойиҳаларни йўлга қўйишни режалаштиришмоқда.

Янги тиш

Япониялик олимлар жарроҳлик операцияси ёки бахтсиз ҳодиса тўғрисида йўқотилган тиш ўрнида янгитдан тиш ўстириш усулини ўйлаб топди.

Токио университети бир гуруҳ олимлари Такаши Цудзи бошчилигида тишнинг ўсишидаги катта рол ўйнайдиган хужайраларни ўрганган, уни икки турга бўлишган. Олинган хужайралар қайта дастурланиб сичқонлардан суғуриб олинган тиш ўрнига жойланганда 36 кундан кейин янги тиш ўсиб чиқиши кузатишган. 49 кундан сўнг эса янги тиш оддий тишнинг кўринишига эга бўлган. Олимларнинг таъкидлашича, янги тиш оддий тишдан ҳеч ҳам фарқланмас экан — фақат бироз геометрик ўзгаришни хисобга олмас. Цудзининг командаси келажақда бу камчилиқни ҳам тўғирлаб, уни стоматология соҳасида қўллаб кўришни мўлжаллашмоқда.



Сочидаги стадион

Рорulous компанияси Сочида ўтказиладиган Олимпия ўйинлари учун қурилиши кўзда тутиладиган марказий стадионининг дизайнини намойиш этишиди.

Айни пайтда ушбу стадионнинг қурилиши хусусида яқуний ҳулосага келинмаган бўлинса-да, бироқ лойиҳа деярли ўз кўринишига эга бўлган. Бунда иншоотнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унинг кўринмас, ялтироқ томи кўрғимчак тўри кўринишида бўлади. Мутахассисларнинг тахминича, 40 минг томошабинга мўлжалланаётган ушбу стадионнинг қурилиши 2013 йилда якунланиши кўзда тутилмоқда.

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА тайёрлади

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Голиб-шер ЗИЯЕВ, Сувоно НАЖБИДДИНОВ, Мухаммадjon ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Фафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолiddин САҒОЕВ

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи-назаридан фарқланishi мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун тахририят жавобгарлиқни ўз бўйига олмайди.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000,
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г-923, Адади — 4196

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371)
234-87-74, 234-87-73,
234-86-41 ФАКС: (8-371)
234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи:
Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир:
Исмаил ХУДОЕВ
Навбатчи:
Қамолiddин ХОТАМОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Қорхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 19.00.